



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: info@uzas.uz 2015-yil 10-aprel №15 (4310)



Сарвар МАМБЕТОВ олган сурат

ИСПАНИЯДА БЎЛИБ ЎТГАН ТАДБИР АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 679 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

Испания пойтахтида «Амир Темурнинг жаҳон тарихидаги ўрни» мавзусига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Соҳибқирон таваллудининг 679 йиллигига бағишланган ушбу тадбир мамлакатимизнинг Мадридаги элчихонаси томонидан Сан-Пабло университети ҳузурдаги Ижтимоий тадқиқотлар институти билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда Испаниянинг тарихчи олимлари, Сан-Пабло университетининг профессорлари, ўқитувчи ва талабалари иштирок этдилар.

Семинар чоғида ўзбек давлатчилигининг тарихан шаклланишига Амир Темур кўнган ҳисса, унинг сиёсий, ҳарбий ва дипломатик фаолияти билан боғлиқ масалалар мулоқотларнинг асосий мавзуси бўлди. Қайд этилганидек, Соҳибқирон нафақат буюк давлат арбоби ва саркарда, балки санъат, маданият, адабиёт ҳамда меъморчиликнинг ҳомийси сифатида ҳам дунё тарихида ўчмас из қолдирди.

Сан-Пабло университетининг профессори Антонио Маркос Алонсо ўз чиқишида тадбир иштирокчиларининг эътиборини ўрта асрда Европа минтақасида тинчлик ва осойишталик сақланишида Амир Темурнинг ўрни ва аҳамияти масаласига қаратди.

— 1402 йили Анкара остонасида бўлган жангда Султон Боязид II устидан ғалаба қозонганидан сўнг Фарб мамлакатлари Амир Темур қиёфасида Европа халоскорини кўрди, — деди испаниялик

олим. — Ўша давр адабиёти ва тарихшунослигида Амир Темур шахсига нисбатан катта қизиқишнинг сабаби ана шундадир.

Тадбир чоғида Амир Темурнинг давлат бошқаруви ҳамда дипломатиясидаги ўзига хосликларга, Темурийлар сулоласининг тарихий-маданий мероси ва замонавий Ўзбекистонда улар сиймосига муносабат масалаларига катта қизиқиш кузатилди.

— Амир Темур буюк давлат арбоби, дипломат ҳамда илм-фан ва санъат ҳомийси сифатида тарихга кирган, — деди профессор Антонио Маркос Алонсо «Жаҳон» ахборот агентлигига берган интервьюсида. — Ўзбек халқининг бу улғуғлини шахс сифатида бугунги кунга қадар тарихчилар ўртасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Жумладан, испан тарихчиларида ҳам. Менинг ўйлашимча, бунинг сабаби Кастилия қироли Энрика III томонидан Самарқандга юборилган элчи Руи Гонсалес де Клавихонинг дипломатик миссияси тарихи билан изоҳлангани, мазкур сафар испан-ўзбек муносабатларининг ўрнатилиши ва мустақамланиши тарихида муҳим ўрин тутгани.

— Ҳозирги пайтда Амир Темурнинг тарихий сиймосини ўрганишга бағишланган докторлик диссертацияси устида иш олиб бормоқдаман, — деди илмий тадқиқотчи Матильда Баторет. — Шубҳасиз, Амир Темур буюк тарихий шахсдир. Унинг санъат ва меъморчилик ҳомийси сифатида қолдирган мероси менда жуда катта таассурот уйғотди. «Бизнинг қудратимизга шубҳа қилганлар биз қурган иморатларга боқсунлар». Бу сўзлар бир неча юз йиллардан бери Амир Темур ва унинг авлодлари даврида барпо этилган гўзал меъморий иншоотларнинг деворларида ўз ифодасини топмоқда.

Шунингдек, бўлиб ўтган тадбир чоғида унинг қатнашчилари Ўзбекистон ва Испаниянинг турли йўналишларидаги икки томонлама муносабатлари ҳолати ва уларнинг ривожланиши истиқболлари билан боғлиқ масалалар юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашдилар.

«Жаҳон» АА, Мадрид.

АСРЛАРНИ ЁРИТГАН УЛУҒВОРЛИК

Истиқлол йилларида буюк давлат арбоби ва улғу саркарда, она Ватанимизнинг даҳо халоскори соҳибқирон Амир Темур сиймосига ҳурмат-эҳтиром бажо этиш миллий ўзликни англаш ва ёш авлодни юксак ватанпарварлик руҳида камол топтириш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатларимиз тимсолига айланган. Улуғ бобомиз ҳаёти билан боғлиқ тарихий саналар мамлакатнинг барча шаҳар ва қишлоқлари, олий ўқув юртлири, халқ таълими муассасаларида байрамона нишонланиб, Соҳибқирон маънавий-маърифий мероси катта эҳтиром билан ўрганилаётгани, ундан баҳрамандлик ҳар бир қалбда ифтихор уйғотаётгани шундан далолатдир.

Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабзда бобомизнинг нури сиймоси акс этган муҳташам ҳайкаллар қад кўтаргани, мамлакат пойтахтида Темурийлар тарихи музейи ва Халқаро Амир Темур жағмармаси фаолият олиб бораётгани ҳам халқимизнинг бу улғу сиймога бўлган беқиёс меҳр-муҳаббати рамзидир. Мустақиллик йилларида ҳар йилнинг 9 апрел куни Амир Темур бобомиз таваллуд айёмини кенг жамоатчилик, хорижлик меҳмонлар, тарихчи олим уюштурулган, талабалар иштирокида нишонлаш яхши анъанага айлангани ҳам ана шу меҳр-муҳаббат ва эҳтиромнинг ёрқин намунаси. Кунги кеча пойтахтимиз марказидаги Амир Темур хиёбони давлат ва жамоат арбоблари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, олимлар, шоир ва ёзувчилар, талаба ва ижодкор ёшлар билан гавжум бўлди. Соҳибқирон таваллудининг 679 йиллигига бағишланган тантанали тадбирни Халқаро Амир Темур жағмармаси раиси Нозим Ҳабибуллаев очиб, Ўртбошимиз ташаббуси билан буюк Соҳибқироннинг жаҳон тараққиётига кўнган ҳиссасини ўрганиш, ёшларни миллий истиқлол анъаналарига садоқат руҳида тарбиялашда Амир Темур маънавий меросидан фойдаланиш бора-

сида амалга оширилаётган ишларга эътибор қаратди. Тарих фанлари доктори Дилором Юсупова Соҳибқироннинг илм-фан ва маданиятни раванқ топтириш, бунёдкорликка доир қизғин фаолияти, она юртимиз ва салтанатнинг бошқа шаҳарларида қурдирган бетакрор иморатлари, ободончилик иншоотлари, кўприклар, карвонсаройлар, янги обихаёт йўллари ҳақида сўз юритди. Шахмат бўйича ўзбек қизларидан чиққан биринчи халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминова ўз сўзида Соҳибқирон бобомизнинг Ватанини босқинчилардан озод этиш ва обод қилишидаги буюк жасорати бугунги авлодлар учун чинакам қаҳрамонлик намунаси сифатида алоҳида қимматга эгаллигини таъкидлади. Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқов ўқиган Амир Темур монолоғи ва ёш шоир Фахриддин Ҳайитнинг Соҳибқиронга бағишланган шеъри ҳам йиғилганлар олқишига сазовор бўлди.

Тантанали тадбир қанақачилири юксак эҳтиром рамзи сифатида Амир Темур ҳайкали пойига гуллар қўйилди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.Икромов иштирок этди.

Шу куни Темурийлар тарихи давлат музейида «Шоҳруҳия — Темурийлар бунёдкорлиги ёдгорлиги» кўргазмаси очилиб, «Амир Темур даврида илм-фан ва маданият ривожининг умумбашарий аҳамияти» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

Ифтихор

Истиқлол йилларида буюк давлат арбоби ва улғу саркарда, она Ватанимизнинг даҳо халоскори соҳибқирон Амир Темур сиймосига ҳурмат-эҳтиром бажо этиш миллий ўзликни англаш ва ёш авлодни юксак ватанпарварлик руҳида камол топтириш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатларимиз тимсолига айланган. Улуғ бобомиз ҳаёти билан боғлиқ тарихий саналар мамлакатнинг барча шаҳар ва қишлоқлари, олий ўқув юртлири, халқ таълими муассасаларида байрамона нишонланиб, Соҳибқирон маънавий-маърифий мероси катта эҳтиром билан ўрганилаётгани, ундан баҳрамандлик ҳар бир қалбда ифтихор уйғотаётгани шундан далолатдир.

СОҲИБҚИРОН ЙЎЛИ

Юмалоқ Ер шари ёяр қулочин —
Койнот юраги, инсоннинг хоки.
Зулмат тўсолмағай тинчлик кўёшини,
Токи бардавомдир инсон идрокни.

Игволар оловин пуркайди рўё,
Кўзгайди сўнган ўт асоратини.
Барқарор бўларди, юқтирса дунё
Жаҳонгир Темурнинг жасоратини.

Жасорат билакда бўлмайдди бунёд,
Юракда туғилар, қон каби яшар.
Ақлу тафаккурдан олар ҳарорат,
Ҳаёт каби яшар, жон каби яшар.

Бордир ҳар халқнинг ўз ўтмиши, ёди,
Келажак ниш урар тупроқ қати бор.
Ҳар даврнинг турфа тараққиёти,
Ҳар замоннинг турфа ҳақиқати бор.

Ҳамон қудратини этар намоён,
Ҳайрат солар дилга маҳобатларни.
Оламга мангулик бахш этиб ҳар он,
Сабоқ бериб турар иморатларни.

Боғлари ҳар баҳор гуллайди қийғос,
Тўлар булбулларнинг хуш «чаҳ-чаҳ»ига.
Ниҳоллар бўй берар чинорларга хос,
Дарахтлар ҳам дуо қилар ҳақиға.

Дунё, аловатни унутиб буткул,
Эзгу йўлда сулҳу ярашни ўрган!
Адолат туғини бошинга тутиб,
Оламда музаффар яшашни ўрган!

Кел, Соҳибқироннинг сағанасин куч,
Қабилг тут заминнинг гулдросига.
Билм — тафаккурда, адолатда — куч,
Кўй, мана, тарихнинг тарозисига!

Фахриддин ҲАЙИТ

Диққат, танлов

“УРУШ БЎЛМАСИН ЖАҲОНДА”

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги қошидаги Жамоатчилик кенгаши ҳамда «Меҳр ва муруват» жамоатчилик фонди ҳамкорликда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами муносабати билан иқтидорли ўқувчи ёшлар ўртасида «Уруш бўлмасин жаҳонда» номли иншолар танловини ўтказмоқда.

Танловга тақдим этилган ўқувчи-ёшларнинг иншоларида тинчлик ва осойишталикнинг қадри, замондошларимизнинг фидокорона меҳнати, бунёдкорлик ва юртимиз ободлиги, Ватан ва Истиқлол ғоялари содда, ҳаётий мисоллар ва фикр-мулоҳазалар билан ифодаланган бўлиши лозим.

Иншолар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида (Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 16-а бино. Телефонлар: 227-08-27, 227-08-30) шу йилнинг 1 май кунига қадар қабул қилинади ва танлов ҳаёти томонидан кўриб чиқилади.

Танлов қоидалари 9 май — Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами арафасида эълон қилинади.

Танловга марҳамат, азиз ўқувчи-ёшлар!

Давоми иккинчи саҳифада.

“ХУШБЎЙ НАСИМЛАРИ БАҒОЯТ МАРҒУБ...”

Янги экологик сиёсат

Пойтахтимизда истиқлол йиллари дунё андозаларига уйғун ҳолда қурилган янги меъморий услубдаги саҳни кенг, шифти баянд, гўзал иморатларни кўриб, Тошкент ўзининг ҳақиқий бахтига мамлакат овозлиги туфайлигина эришганига иймон келтирасиз. Агар шаҳримизни олтин билакузукка менгзасак, мустақиллик йилларида қурилган чиройли бинолар, раван кўчалар, ажойиб кўприклар, обод бозорлар, бог ва яшил хиёбонлар, гулзорларни бу «билакузукка» ёқут кўз бўлди, дейсиз.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг бутун мамлакатда бўлгани каби Тошкентда суверен давлат манфаатига хизмат қиладиган мустақил экологик-иқтисодий сиёсат юргизиш имконини юзга келди. Бу сиёсат нималарда намоён бўлмоқда? Халқимиз ҳамиша гўзалликка, са-

ришта-озодаликка интилиб яшайди. Бўйрадек ҳовлиси бўлса ҳам дов-дахт, гул экиб, ўзи яшаётган ҳовли, маҳалланинг чиннидай тоза бўлишини хоҳлайди. Янги экологик сиёсат амалга оширила бошланганда халқимизнинг ана шу фазилатидан келиб чиқди. Илгари шаҳар ободонлаштириш бошқармаси бўлимларида чиқинди ташувчи машиналар етишмас, борлари ҳам бузилиб ётиши сабабли даҳо маҳаллаларда тўкиндилар қалашиб қоларди. Эндиликда бу ҳолга чек қўйилиб, ҳар бир даҳога, маҳаллага девор билан ўралган чиқиндиҳоналар қуриб берилди. Энди шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармаси ўзимизда ишлаб чиқарилаётган тўкинди ташувчи замонавий машиналар билан таъминланди. Улар ҳар куни 700 тоннадан ортиқ чиқиндини ташиб кетади. Шу йўсинда шаҳарда чиқинди сочилиб ётишига чек

қўйилди. Тутуни ҳавони булғайдиган автобуслар ўрнига экологик жиҳатдан мақсадга мос 1400 та «Мерседес» автобуслари харид қилинди. Ўз автосаноатимизга эга бўлганимиз боис шаҳар кўчаларида Асакада ишлаб чиқарилган энгил автомашиналар қатнамоқда. Улар ҳавога чиқадиغان тутунни зарарсизлайдиган қурилма билан жиҳозланган. Кичик халқа йўл, янги кўприклар, ер ости ўтиш йўллари қурилгани ҳам транспортлар тўхтаганда шаҳар ҳавосини ортиқча захарли газ билан булғашини камайтирди. Зарарли дарахтлар ўрнига каштан, дуб, ҳар хил арчалар, илгари Тошкентда ўстирилмаган лола дарахти, ҳинд сирени, магнолия, элдор карагайи, заранг, липа, сарв экилмоқда. Айниқса, қиш-ёз ям-яшил бўлиб турадиган арчалар захарли чанларни ютиб, ўзидан кўп кислород ва хушбўй ҳид чиқаради. Ҳарорат иссиқ пайтлар Амир Темур хиёбонида кирсангиз ҳаво бирдан ўзгарганини сезасиз, муздек, хушбўй ҳаводан нафас олиб, тан-жонингиз яйрайди. Бу чинорлар ўрнига экилган, барқ уриб ўсаётган турли қарағайларнинг шарофатидир.

Эл обод — дил обод

Давоми олтинчи саҳифада.



БОЛАЛИГИМДА қаерда бахшилар йиғилса, ўша ёққа ошиқардим. Халқ достонларидаги шаддод ва гўзал қизлар ҳаёлимда тикланарди. Бўлажак севики ёрим сиймосини тасаввур этиб, жуда ҳам сулув, дунёнинг энг гўзали бўлади, деб орзу қилардим. Балки бу Илҳом парисидир...

Агар адабиётдан Барчин, Лайли, Ширин каби муҳаббатга йўғрилган сиймолар олиб ташланса, нима қолади?! Навоийнинг достонларидаги гўзаллар, Ҳофизнинг бир дона холга Самарқанду Бухорони инъом этиши... Ҳайкалтарошлик ҳам шундай. Дунёни гўзаллик, муҳаббат, шеърятсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Менинг асарларим — поэзия. Ижодимнинг моҳияти шу: гўзаллик нафосатини қалбдан эътироф этаман ва қалбимни намоён қилишга интиламан.

Мен ҳақимда «аёллар сиймосини кўп ишлайди», деб айтади. Аслида ҳам шундай! Ҳаётимиз мазмуни муҳаббатда-ку, ахир!

Давоми олтинчи саҳифада.

“ХУШБЎЙ НАСИМЛАРИ БАҒОЯТ МАРҒУБ...”

Бошланиши биринчи саҳифада.

Шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармасининг махсус кўчатчилик бўлимида ҳар йили минглаб туپ гул ва манзарали кўчатлари етиштирилади. Бош агроном Шохшод Хайдаровнинг айтишича, 1990 йилда Тошкентда ҳар бир кишига 4,5 квадрат метр яшил майдон тўғри келган, ҳозир меъёردаги 50 кв. метр урнига 69,2 кв. метр яшил майдон тўғри келаётган экан.

Демакки, шахримиз янада обод, ҳавоси тоза бўлиб, захарли газлар, қорақуя, тундан яхшироқ химояланадиган бўлган. Аниқ қилиб айтганда, бир гектар майдондаги арча йилига 32 тонна, қарағай 35 тонна, қайрағоч 43 тонна чангни тутиб қолади. Шаҳар ҳудудига 65,3 гектарни эгаллаган Ботаника боғи, умумий майдони 190,4 гектарлик 19 та боғ мавжуд. Ҳозир шаҳарнинг 4 та боғини қайта қуриб, ободонлаштириш режага киритилган. Шу режа асосида Миробод туманидаги “Айқача” боғини қайта қуриш бошланди. Шаҳарда манзарали дарахт кўчатлари, лола, қишки виола, маргаритка кўчатлари, мавсумий гуллар кўллаб экилмоқда. Қарийб йил бўйи гуллаб турадиган ноёб гул уруғлари Бельгия, Голландия каби мамлакатлардан келтирилмоқда.

ГУЛЛАР, ГУЛЗОРЛАР

Ойбек, Афросиёб, Абдулла Қодирий, Мустақиллик, Дўрмон йўли кўчаларидан яқин орада юрганмисиз? Агар юрган бўлсангиз, бу йўлларнинг икки чеккасидаги ям-яшил майдонлар ўртасида 30-40 метр ораликда, кўрган кўз қувнайдиган, ажойиб гулдор гиланим эслатадиган гулзорларга эътибор берган бўлсангиз керак. Шаҳар чиройига чирой қўшган бундай гулхоналар илгари Тошкент йўлларида умуман йўқ эди.

Ободонлаштириш Бош бошқармасида махсус ландшафт дизайни бўлими ташкил этилган. Ҳозир шаҳар йўлларида пайдо бўлаётган гулзорлар лойиҳаси шу бўлим дизайнерларининг ижодидир. Улар Бобур ва Нўкус кўчалари чорраҳаси, Чилонзор туман ҳокимлиги олди, Анҳор бўйи хиёбонига бунёд этилган гулзорлар лойиҳасини ҳам яратган. Боғ-меъморлиги билан астойдил шуғулланган дизайнерлар ижоддонасида Мустақиллик кўчаси билан Оққўрғон кўчаси чорраҳаси, Нўкус кўчаси, шоира Зулфия ҳайкали ўрнатилган хиёбонда гулзорлар бунёд этиш, Учтепа туманидаги Арча кўчасини ободонлаштириш лойиҳалари ҳам тайёр турибди. Бўлим раҳбари Ҳожиаббар Абдуллаев Тошкентни янада обод ва кўркам шаҳарга айлантиришни жон-дилидан севадиган йигит. У яқинда шаҳар кўчалардан ҳам тажриба ўрганиб қайтди. “Хитойликлардан нималарни ўрганса бўлар экан?”, деб сўраганимизда у: “Менга Шанхайнинг чиройли, замонавий қилиб қурилгани, айниқса, ям-яшиллиги жуда ёқди”, дея жавоб берди. Унинг айтишича, Хитойда тик кўчаларозорлаш усули оммалашган экан. Бу нима дегани? Агар катта кўчанинг бирор жойида қурилиш бўладиган бўлса, хитойликлар кўча томонини тахта ё бетон девор орқали ўраш билан қиёфаланмайдилар. Деворга сим тўр қоқиб, унга маълум бир шаклда гулли тувакларни олиб чиқишади. Бу гуллар парваришлангандан кейин барқ уриб ўсиб, деворга ажойиб шакл беради, ичкарида қурилиш бўлаётгани ҳам билинмайди. Шаҳарда томлар устида ҳам дарахт ўстирилган экан. Уйларнинг кириш йўлакларини пештоқка гулли туваклар қўйилган. Гуллар очилганда пештоқ кўзни айратадиган шаклга киради. Шаҳар кўприклари девори ҳам кўкаламзор қилинган. Бу тажрибалар Тошкентда ҳам қўлланади.

Шанхайдаги ободончилик ва кўкаламзорлаш ишининг ташкил этилиши ҳам ибратли экан. Ҳар бир яшил майдоннинг ўз эгаси бор, у шу ернинг ободлигига жавоб беради. Бизда гулзорлар автомашиналарда сўғурилади. Бу анча серҳаражат, сув исроф бўлади. Хитойликлар эса гулзорларни сўғоришни аравачасига 50 литрли бидон қўйилган мотоциклларда амалга оширади. Бунда сув исроф бўлмайди, кўп харажат ҳам талаб этилмайди. Ҳар ҳолда ўрганса зиён қилмайдиган сўғориш усули бу ҳам.

КАНАЛЛАР ЭГАСИНИ ТОПДИ

“Ҳадис”ларда “Тангри гўзалдир, гўзалликни яхши кўради”, деб таъкидланади. Шунинг учун ҳам ўзбекининг ҳар бир оиласида ота-оналар дастурхон атрофида болаларига оқар сувни бўлгамаслик, жониворларга, парранда-даррандаларга шафқатли бўлиш, дарахт, гул экиб, оламни безашни ўқитиришган. Буюк шоиримиз Алишер Навоийнинг замондоши, моҳир шоир, адиб ва аллома Зайниддин Восифий (1486-1566) «Бадоеъ-ул-вақоъ» асарига бундан салкам беш аср аввалги Тошкентнинг жаннатми-

наллари эгасиз бўлиб қолгани англаб етилди. Эндликда пойтахтни ободонлаштириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар доирасида шаҳарнинг сув йўллари, каналлар атрофини обод ва янада файзли қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бўзсув ва Салор каналларининг шаҳар марказидаги соҳиллари аҳоли яйраб дам оладиган яшнган сўлим жойларга айланмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент шаҳри ҳудудидagi каналларнинг санитария ҳолатини яхшилаш ва ободонлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2013 йил 21 октябрдаги қарорига асосан шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармаси тизимида каналларни сақлаш, улардан фойдаланиш ва таъмирлашга ихтисослашган бошқарма ташкил этилди. Унинг тасарруфига пойтахт ҳудудидан оқиб ўтувчи 12 та катта канал, 40 та ўрта ҳажмдаги канал, 67 та кичик канал, жами 119 та канал ҳамда 21104 погон метр сув оқадиган қувур, 126 та қайнама (дюкер)лар берилди. Бошқарма базасини мустаҳкамлаш учун каналларнинг санитария аҳоли ва шаҳар экологик ҳолатини яхшилашда кўл келадиган махсус техника ва механизмлар харид қилинмоқда.

Бошқарма жамоаси обихёт йўлларини таъмирлаш, атрофини ободонлаштириш, каналлар, сув қувурлари, дюкерларни чўкиндилардан тозалаш ишларини олиб бормоқда. Натихада Салор, Толариқ, Кўкча, Қонқус, Қорақамиш, Анҳор, Кайковус, Дарбозакент, Баротхўжа, Жун ва Бел каналлари обод бўлди. — Бошқарма фаолиятида қандай муаммолар бор? — деб сўраймиз бош муҳандис Шухрат Эшпўлатовдан.

— Аввало, барча сув тармоқлари сингари каналларнинг ҳам химоя зоналари, албатта, бўлиши керак, — дейди Ш. Эшпўлатов. — Шаҳарнинг бош режасида каналларнинг химоя зоналарини белгиланган. Лекин айрим жойларда бунга риоя этилмайпти. Туманларнинг меъморлари, санитария врачлари енг ичиди иш бериб, сув йўллари бўйига турар жой, савдо, машиш хизмат шохобчалари қуриш лойиҳаларига имзо чекиб юборган ҳоллар учраб турибди. Оқибатда каналлар бўйига машина-механизмларни олиб бориш, ишлатиш қийин кечади. Шу боис асосий ишларни кўл кучида бажаришга тўғри келади. Эндликда аҳолига ноқулайлик туғдирмасдан, каналларнинг химоя зоналарини тиклашга ҳаракат қилияпти.

Бошқарма жамоаси Бўзсув соҳилларида 1,8 километр узунликда хиёбон ташкил этишда ҳам фаол иштирок этди. Бу жой эндиликда пойтахтнинг бош обихаёт ўзани атрофларига бетакорор гўзаллик бағишлаган. Бўзсув бўйида бунёд этилган хиёбон ҳамшаҳарларимизга гоят маъқул келиб, шаҳарнинг бошқа каналлари бўйида ҳам шундай хиёбонлар ташкил этиш зарурлигини таъкидладилар.

Ободонлаштирувчилар ҳар йили шаҳар каналлари бўйида 4-5 километрни хиёбонлар бунёд этишни режага киритдилар. Бўржар канали бўйида ҳам шундай хиёбон барпо этиладиган бўлди. Бундай хиёбонлар инсонни обихаётга ҳам, табиатга ҳам яқинлаштиради. Улар иссиқ кунларда канал бўйида ҳордиқ олиб, табиат гўзаллигидан баҳраманд бўладилар.

Истиқлол шарофати билан бошланган хайрли ишларда она Ватанимиз қўқамлиги учун заҳмат чекаётган ободончилик фидоиларига омад ёр бўлишини тайлаймиз.

Алиназар ЭГАНЗАРОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Улуғ бобомиз Амир Темур номи билан боғлиқ ҳар бир осори-атиқча ва қадамжолар биз учун гоят табарруқдир. Бобокалон буюк салтанат туғи остида бирлаштирган барча халқлар, мамлакатларни адолат билан бошқариб, обод этган.

Чунончи, у Ҳирот, Кобул, Табриз шаҳарларида, Эрон, Озарбайжон ва Достгонда кўллаб иш-шоотлар, масжид ва мадрасалар қурдирган. Қорабоғда узунлиги 7 фарсах келадиган ариқ қавлабди, номини Барлос деб қўйган. Шунинг учун ҳам фатҳ этилган ўлкаларда ва умуман бутун оламда буюк Амир Темурнинг номи тарихда ўтган бошқа жаҳонгирлардан фарқи ўлароқ, ҳурмат-эҳтиром билан тилга олинади. Улуғ бобомиз Достгондаги кичик бир қишлоқда тўхтаб, шу ерда шаҳар қуришга амр этган, кейинчалик бу шаҳар Темурхоншур деб

ҳозир Мозори Шариф шаҳрида яшаётган, ота-боболари асли шахрисабзлик бир фуқарода Оқсаройнинг лойиҳаси сақланаётган экан. У махсус терига чизилган каттагина китоб шаклида бўлган экан...

Юртимизда буюк бобокалонимиз номи билан бевосита боғлиқ бир неча сирли тошлар борки, буларнинг қийматини ҳар қанча олтин-қумушлар билан ҳам қайтариб бўлмайди. Улардан биринчиси — Соҳибқирон қабри қабри қишлоқда тўхтаб, шу ерда шаҳар қуришга амр этган, кейинчалик бу шаҳар Темурхоншур деб

қулига инъоми, деб ўйлар, уларнинг бу фикрига ҳеч ким эътироз билдирмас эди”.

Абу Тоҳирроҳанинг “Самария” китобига Садриддин Айний томонидан “кўктош” ҳақида ёзилган изоҳда шундай дейилади: “Ушбу “кўктош” ҳозирда Тупрокқўрғон (бугунги арк) ичида сақланмоқда. У (узунча) шаклида бўлиб, узунаси тахминан ярим аршин, эни 2 аршин ва ердан юксаклиги бир аршин келади”. Ушбу тош Самарқандга қардан олиб келтирилганига ҳақида ҳам турли тахминлар бор.

Яккабоғ туманидаги Ҳўжайлгор қабристонига сақланаётган “Полвонтош” ҳам Соҳибқирон номи билан боғлиқ осори-атиқалардан биридир. Узунлиги 60-70 сантиметр келадиган, махсус шакл бериб ташланган кўкиш тусли бу тош узоқлаб йиллар да-

СОҲИБҚИРОННИНГ СИРЛИ ТОШЛАРИ

номланиб, пойтахт мавқеига эга бўлган экан. Маҳачқалъа яқинидаги кўмик қишлоқларидан бири Темурбос (Темур қудуғи) деб юритилган. Ҳатто, рус кнзлари ҳам мўғуллар истибодидан ҳалос этганлиги учун Елец шаҳрида бобокалонимизга ёдгорлик, Тобольск яқинида эса минора қурдирганлар. Фаранглар Амир Темурга олтиндан ҳайкал қўйганликлари ҳақида эса кўпчилик билса керак. 1853 йилда Англиянинг Олд Вик театрида Карл Марлнинг “Буюк Темур” фоҳиаси саҳналаштирилган ва у ҳозирга чаманга эгилмоқда. Фарбинг машҳур мусаввири Рембрандт ҳам Соҳибқирон суратини ишлаган. Бундай мисолларни жуда кўп келтириш мумкин.

Албатта, буларнинг бари дунё аҳлининг буюк Соҳибқиронга бўлган эҳтиромини ифодалайди. Бобомиз шу тупроқ фарзанди сифатида юртининг шаҳар ва қишлоқларидаги обод этиш учун қайноқ меҳрини аямаган. Бугунги кунда ҳам Самарқанд ва Шаҳрисабздаги оламшумул тарихий аҳамиятга эга обидалар буюк Амир Темурнинг мангу шухрати-дан сўйлаб турибди.

Соҳибқирон Амир Темурга тегишли кўллаб осори-атиқалар, қимматбахо буюмлар ҳозир турли мамлакатларда музейларда ёки одамлар қўлида сақланмоқда. Масалан, Соҳибқиронга тегишли “Чирого олам” олмоси Буюк Британиядаги Букингем саройининг “Хиндистон” хонасини беэзаб турибди. “Чирого олам” ёқтида араб алифбосида кўйидаги ёзувлар бор: “Бу Исфохонга 1153 йил Хиндистондан олиб келинган ёқут, шоҳлар шохи Султон Соҳибқироннинг йигирма беш минг асл жа-воҳиротларидан биридир”.

Бу қимматбахо тошлар шодаси жуда ноёб бўлгани учун ҳамда қийматини аниқлаш жуда мушкуллигидан Шарқ халқлари унга “Жаҳон ўлмони” номини беришган.

Маълумотларга қараганда

ҳисобланувчи нефрит — яшм тоши, нияҳатда ноёб бўлиб, фақатгина Хитойда учраган экан. Мъалумотларга кўра, ҳозир дунёнинг бир нечтагина мамлакатига ушбу навадга қора-яшил тусли тош бўлаклари мавжуд. Мирзо Улуғбек томонидан Амир Темур қабри устига ўрнатилган яшм тоши уларнинг энг йириги сана-

Фаҳр ва гурур

лади. Айтишларича, Россия императори Александр III вафот этганида унинг Петропавловскдаги қабри устига нефрит тошидан ёдгорлик ўрнатмоқчи бўлганлар. Шу мақсадда Сибирь ва Туркистонга экспедиция уюштирилиб, нефрит тошини ахтарганлар. Бироқ барча ҳаракатлар беҳуда кетган, нефрит топилмаган.

1740 йили Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг қўшини Самарқандга кирганида Амир Темурнинг қиличи, совути, Амир Темур жомеъ масжидидаги етти хил маъдан қотишмасидан ясалган дарвоза ва хатто унинг қабрига ўрнатилган яшм тоши ҳам тўп қанорасига ортилиб, Машҳадга олиб кетилган. Кўп ўтмай Нодиршоҳнинг тушига Мир Саййид Барака киради ва бу куфронга иши учун қаттиқ жазоланажигдан огоҳ этади. Шундан сўнг яшм тоши ўз жойига қайтарилган, аммо дарвоза, совут ва қиличнинг дарағи ҳанузгача номаълум.

Яна бир табарруқ ёдгорлик — Соҳибқироннинг тахти бўлмиш машҳур “кўктош”дир. Ўтган асрда ашаган рус тарихшуноси Владимир Череванский “Амир Темур” китобида Темур саройидаги “кўктош” ҳақида шундай ёзади: “Эшикнинг рўпарасида, ҳовлининг тўридаги девор ёнида “кўктош” деб аталадиган Темур тахти турарди, у ҳозир ҳам ўша жойда. Қабул кунлари тахт оқ наमत билан ёпиб қўйиларди... Халқ эса кўктош осмондан тушган, у Пайгамбарнинг ўз содиқ

вомида кўлга олиниб, сийпаланаверганидан сийлиқ бўлиб кетган. Ҳўжайлгорлик Баҳром ака Раҳматовнинг айтишига қараганда, “Полвонтош”нинг оғирлиги 6 пуд, яъни 96 килограмм экан. Бу тошни Амир Темур бобомиз ўсмирлигида бемалол кўтариб, Ҳўжайлгор тепалигига олиб чиқиб, олиб тушар эканлар. Ҳозир ҳам қишлоқ ёшлари, зиёратчилар, айниқса сайллар, байрам кунлари келишиб, “Полвонтош”ни кўтариб мусобақалашадилар. Қизиғи шундаки, бунга ҳар кимнинг ҳам қурби етавермайди. Унда қандайдир сирли хусусият бор, дейишади. Маҳаллий аҳоли ўртасида сақланган ақидага кўра, “Полвонтош” Амир Темурга тегишлидир. “Полвонтош”га Соҳибқирон бобомизнинг қўллари теккан!”, деб фахрланишади Ҳўжайлгорликлар. Демак, бу тошда ҳам қанчадан-қанча тарихий маълумотлар мавжуд.

Худди шундай сирли “Полвонтош” тумандаги Тутак қишлоғида ҳам бор. Тутак қишлоғи Амир Темур номи билан боғлиқ тарихий манзил, унда Соҳибқироннинг пириларидан бири — Тутак ота (Бобойи Валий) яшаганлар. Бу жойдаги “Полвонтош” ҳақида эса қишлоқ кексаларидан Салой бобо Сиддиқов шундай дейди: “Ўзи унча катта эмас бу тош. Бир қарашда тошни кўтариш жуда осондек кўринади. Лекин беписандлик билан буни кўтараман, деганларнинг нечалари беланги бўлган, аммо ердан узолмаган. Ихлос билан, покланиб келувчи одам бўлса, буни бемалол кўтарарди. Хатто ёш болалар ҳам кўтариши мумкин”.

Ҳа, қадим ва муқаддас юртида “кўктош” ҳақида шундай сирларга тўлиқ, Бунда таваллуд топган буюк инсонларнинг ҳаёти эса бу сирларга ўйғунлашиб, боғлиқ кетган. Соҳибқирон Амир Темур ҳам ана шундай улуғ, серхосият боболаримиздан биридир.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ

БЕБАҲО МЕРОС

Кунлар исиб, дарахтлар барг ёза бошлаган шундай фарахбахш кунларда табиат ўзгача қиёфа касб этади. Наврўз айёми арафасида ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида сўнг шаҳарат қишлоқларимиз тобора чирой очиб, янгиланди. Эзгу қадрият боис, республикамиз заминига турфа хил манзарали, мевали дарахт ниҳоллари экилди.

Ана шундай қадриятларимиздан яна бири ўтганлар руҳига ҳурмат кўрсатиш, уларнинг мақбараларини обод қилишдир. Айниқса, истиқлол йилларида барча бунёдкорлик ишлари қаторида қадамжолар, қадим зиёратгоҳлар ва қабристонларни обод қилиш ишларига катта эътибор қаратишмоқда. Юртбошимиз раҳнамолигида динимиз, тарихимиз, маданиятимиз ва маънавий ўтмишимизни ўрганиш, обидаларни обод қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Самарқанддаги Регистон майдони, Шохизинда мажмуи, Тошкентдаги Кўкалдош мадрасаси, Имом Бухорий, Имом ат Термизий, Баҳоуддин Нақшбандий, Абдуҳолиқ Фихривоний, Зангиота каби зиёратгоҳлар обод этилди. Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ҳам азизу авлиёлар, саҳобалар мақбараларини, қўтлуг қадамжоларини зиёрат этмоқчи ҳам фарз, ҳам қарз билгани боис,

зиёратгоҳлар олдида эҳтиром бажо этиб ўтган. Соҳибқирон шайхлар, азизу авлиёларга чексиз ҳурмат кўрсатиб, улар учун мақбаралар, масжидлар қуришни амр этган. Ана шундай меъморий обидалардан бири Тошкент вилоятидаги Зангиота мақбараси бўлиб, XIV асрнинг 80-йилларида Амир Темур

Қадриятларимиз

томонидан қурдирилган ҳамда XV асрнинг 20-йилларида бу зиёратгоҳда Мирзо Улуғбек ҳомилийида қўшимча қурилиш ва безак ишлари олиб борилган. Дастлаб мақбара биноси пештоқ, гўмбазли зиёратхонадан иборат бўлиб, нақшлар билан безатилган. Оқ мрамар сағанга тош ўймакорлигида нақш ва ёзувлар битилган. Масжиднинг асосий хонаси гўмбаз билан қўпланган. Зангиота ислом оламидаги

улуғ мутафаккир ва мутасаввиф доғимандлардан бири. Ривоятларга қараганда, Зангиота чўпонларнинг пири “авлиё” қиёфасида гавдаланади. У халқ орасида ватанпарварлик, поклик, яхшилик, олижаноблик каби умминсоний гоғларни тарғиб қилган. Эндликда ушбу мажмуа нафақат республикамизда, балки Ўрта Осиё халқлари орасида маълум ва машҳур. Яқин-яқингача мажмуа Зангиота, Анбарбиби мақбараси, дарвозахона, мадраса, масжид, хонҳоқ, шийпон, минора ва ҳовуздан иборат эди. Шу кунларда Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида Зангиота мажмуаси ва унинг ҳудудига кенг қўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Эндликда зиёратгоҳга ташриф буюрадиган ҳар бир ҳаюртимиз катта ўзгаришларни кўриб хайратланиши шубҳасиз. Чунки мажмуа атрофида минг ўринга мўлжалланган янги масжид, Ўзбекистон мусулмонлари идораси вилоят вакиллиги биноси, эски ҳовуз ўрнига иккита фаввора, бир жуфт миллий услубда лойиҳалаштирилган шийпон, ер остидаги автобиллар тўхташ жойи, 50 ўринли меҳмонхона, чойхона, ошхона қуриб битказилди. Катта миқёсда қурилиш ишлари олиб борилаётган ҳудуднинг кўркам қиёфа касб этаётганини кўриб, баҳри дилингиз яйрайди.

Янги лойиҳага кўра, мажмуага кириш дарвозаси қайта қурилди, чегара дарвозалари янгидан барпо этилди. Ҳовлидаги эски минора олиб ташланиб, янги масжид олдида 31 метр бўлган минора қуриб битказилди. Зангиота ва Анбарбиби мақбаралари қайта таъмирланиб, бешта гўмбаз қайта тикланди. Айниқса, Бельгия, Япониядан келтирилган манзарали дарахтлар, Хитой атиргул дарахти, лола дарахти зиёратгоҳ боғига ўзгача гўзаллик бағишлади турибди. Зангиота зиёратгоҳи эндиликда ҳақиқий санъат намунасига айланган, десак муболаға бўлмайди. “Бинокор” масъулияти чекланган жамияти қурувчиларининг сазъ-ҳаракати билан айни пайтда мажмуада пардозлаш, йўлакларга тош ётқириш ишлари давом эттирилмоқда.

— Мен ҳар гал Тошкентга келганимда Зангиота қадамжосини зиёрат қилиб кетаман, — дейди Бухоро вилояти, Шофиркон туманида яшовчи адабиёт ўқитувчиси Дилдора Қўлдошова. — Бухорода ҳам бир-бирини тақорламайдиган зиёратгоҳлар жуда кўп. Масалан, Бўёнқулихон, Чашмаи Айбоб, Улуғбек, Исмоил Сомоний мақбаралари, Намозгоҳ, Ҳўжа Зайниддин каби масжидлар, тарихий обидалар аждодларимиз ўтмиши ва тарихидан бизни доимо воқиф қилиб туради. Биз бундай қадимий қадамжоларни зиёрат қилиш асносида

уларни нафақат илм-фан, маданият, маърифат равнақиға ҳисса қўшган мутафаккирлар сифатида, айни чоғда халқимизнинг бой меъморлик ва унармандлик анъаналаридан ҳам хабардор шахс сифатида билиб оламиз.

Ҳар биримиз яшаётган ҳудудимиз, кўчамиз, маҳалламиз тарихидан яхши хабардор бўлишимиз, уларни фарзандлар оғнига ҳам сингирдиб боришимиз даркор. Ушбу зиёратгоҳ таркибига кирган тарихий архитектура ёдгорлиги — Анбар она мақбараси ҳақида эшитмаган одам бўлмаса керак. Анбарбиби номи тарихда “Меҳрибон ва саховатли улуғ она” тисолида муқаддас саналган. Анбарбиби Хоразм шоху Буғрохоннинг қизи бўлиб, асли исми Райҳона бўлган...

Зиёратгоҳдаги улкан бунёдкорликлар билан танишарканман, шу кунги бу маъвода жуда кўллаб ҳамюртларимни учратдим. Халқимиз тарихи, орзу-умидлари, диний бағрикенглиги, илмий салоҳиятини ўзида мўжассам этган бундай муқаддас зиёратгоҳлар хоржилик сийҳларини ҳам қизқитираётгани бежиз эмас.

Бешафқат давр синовларидан омон қолган ва эндиликда Истиқлол шарофати ила таъмирланиб, янада обод қиёфа касб этаётган бундай меъморий ёдгорликларимиз беқийёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир.

Барно СУЛТОНОВА

АМИР ТЕМУР ВА ЁШЛАР

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида “Амир Темур ва ёшлар” деб номланган адабий кеча бўлиб ўтди. Унда таниқли адиблар ва шоирлар, адабиётшунослар ҳамда “Онажоним — шеърят” тўғраги аъзолари иштирок этишди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ ёзувчиси Муҳаммад Али тадбирни кириш сўзи билан очар экан, Амир Темур қадрияти — миллатнинг келажоғи бўлган умидли ёшларни улуғ аждодларимиз билан фахрланиш руҳида тарбиялаш, уларда миллий қадриятларимизнинг давомчилари, ворислари масъулиятини шакллантириш учун муҳим гоғвий, мафкуравий ва маънавий аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлади. Сўзга чиққан ижодкорлар улуғ Соҳибқирон сиймосининг бадиий адабиётда акс этиши, бу борда ёш ижодкорлар олдидаги вазифалар хусусида сўзладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги “Маънавият ва маърифат” марказида ҳам “Соҳибқирон Амир Темур сиймоси — Ватанпарварлик тисоли” мавзусида илмий-амалий семинар ва маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Тошкент шаҳар ва Олмаот туман Кенгашлари ва Ўзбекистон Миллий университети билан ҳамкорликда уюштирилган мазкур тадбирда олимлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, ижодкорлар ва талабалари иштирок этишди.

Давра сўҳбатига Буюк Соҳибқирон Амир Темурнинг бунёдкорлик ҳамда миллат маънавиятини юксалтириш йўлида олиб борган ишлари бугунги кунда баркамол авлодни тарбиялашда улкан аҳамият касб этиши ҳақида сўз борди.

Ахборот хизмати

Таниқли адиб, XX аср ўзбек адабиётида тарихнавис ёзувчи сифатида ёрқин из қолдирган заҳматқаш ва камтарин ижодкор Мирқарим Осим 1907 йили Тошкент шаҳрида туғилган.

Тирик сатрлар

Устоз адибнинг ҳаёт ва ижод йўлини том маънода жасорат ва фидойилик мактаби, дейиш мумкин. Адибнинг, айниқса, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳаёти ва ижодида бағишланган "Астробод", "Бадарга", "Алишер Навоий ва Дарвишали", "Шоирнинг ёшлиғи" сингари ҳикоя ва қиссалари тарихий мавзудаги ўзбек насрининг ёрқин намуналаридир.

Ёзувчи ижодида тарихий-биографик мавзу алоҳида ўрин тутди. "Жайхун устида булутлар", "Ибн Сино киссаси", "Ал-жабрнинг тугилиши", "Синган сөтор" сингари қиссалари шулар жумласидандир. Ватанпарварлик, юксак инсоний фазилатлар, садоқат ва маърифатпешалик адиб асарларининг асосий ғоя ва мақсад-муддосини ташкил этади.

Шу муборак кунларда адиб номини ёдлар эканмиз, унинг Мир Алишер Навоийнинг ёшлик паллаларига бағишланган "Зулмат ичра нур" қиссасидан икки ҳикояни азиз ўқувчилар ҳукмига ҳавола этмоқдамиз.

Мирқарим ОСИМ



САМАРҚАНД БЎСАҒАЛАРИДА

Алишер минган кўрмисизгина қалмоқчи от бошини чайқаб, карвон кетидан бир маромда йўртиб боради. Отлиқ эса хомуш, ўқтин-ўқтин отнинг жиловини аста силаб, «чу, жонивор», деб қўяди. Юраги гаш, турли хил фикрлар бошида жүжгон ўйнайди.

Ўз ихтиёрин билан ёр-дўстлар ҳамроҳлигида йўлга чиқиб бошқа-ю, адолатсиз подшонинг амири билан туғилган шаҳрини ташлаб сафарга чиқиб бошқа.

Алишер юрагини эзаётган оғир хаёллардан кутулиш учун ҳаётда юз берган бирон-та қувончли ҳодисани эслашга уринади. Устига оғир юк ортилган туялар эса кичкинагина бир эшак уларни бошлаб кетаётганидан норозидек, бўкиришиб истар-истасмас кадам ташлайди. Кун қиёмга яқинлашган, сахар туриб йўлга чиққан йўловчиларнинг баъзилари мудраб борадилар. Аммо Навоийнинг кўзида уйку йўқ. Юракни эзадиган мудҳиш хотиротлардан кўнгли беҳузур бўлиб, мияси лўқиллаб оғрийди. Ҳамроҳларига эшиттирмаддан инграб қўяди.

Тоғасини эсларкан, кўзлари жижқа ёшга тўлади, бармоқларининг учи билан кўз ёшларини артиб, биров пайқаб қолмадими, дегандек теварак-атрофга қараб қўяди.

Алишер йўлга чиқмасдан тоғаси Мирсайид тўғрисида даҳшатли бир хабар эшитган, Серахс қалъасини қамал қилиб олган Абу Саиднинг аскарларидан бири — Мирзабекнинг навқари Мирсайиднинг фожиаси тўғрисида гапириб берган эди:

— Бир кун дегинча тағойингиздек мард одамни кўрмаган эрдим, — деб ҳикоят қилган эди у. — Озгина черик била Серахсдек берк кўрғонни олди. Минг чоғлик черик била қабаб туштик, ҳарчанд уринсақ доғи ола билмадик. Ани оч қолдириб, таслим қилмоқчи бўлдик. Мирсайид Хусайн Бойқарондан мадд келадур, деб умид қилгон бўлса керак, таслим бўлмади. Анга четдин мадд келмаган, кўрғон аҳли оч қолди. Шунда подшоҳ жаноблари Мавлоно Муҳаммад Тобадгоний ҳазратларини Мирсайид била сўзлашув учун вақил қилиб йибордилар. Мавлоно Тобадгоний кўрғонга кириб, Мирсайидга: «Агар таслим бўлсангиз, подшоҳи замон сиз ва барча навқарларингиз қонидин кечадур», деб ваъда берганидин сўнг, тағойингиз таслим бўлмоққа қарор берибдур ва дарвозадин чиқиб, яроқларин топирибдур... Подшоҳ ҳазратлари анинг черикларин тарқатиб йибори, ўзини жаллод илгика топширди.

Навоий бу даҳшатли хиёнат тўғрисидаги хабарини эшитиб, хўнграб йиғлаб юборган эди.

Абу Саид Мирсайидни ўлдирганидин кейин унинг иниси Муҳаммад али Фарийбидан ҳам қаттиқ ўч олди. Фарийб дунё ишларидан қўл ювиб, Самарқандда дарвешона умр кечирарди. Золим подшоҳ уни ҳам тутдириб, азоб билан ўлдиртирди.

Навоий шуларни ўйлаб, беихтиёр оҳ тортиб юборди, ёнида кетаётган бир навқар, хайрон қолиб ялт этиб унга қараган эди, шоир уялиб пошнаси билан отини ниқтади, жонивор бир юлқиниб йўртиб кетди. Карвоннинг бошида кетаётган Аҳмадхожибек билан ёндашиб аста юра бошлади.

— Ха, на бўлди сизга? Биров хафа қилдимиз? — деб сўради Самарқанд ҳокими

шоирнинг ёшдан қизарган кўзларига қараб. — Йўқ, ўзим, эсимга бир нарсга тушиб, хафа бўлиб кетдим.

— Сиз ҳам лашкарин ўзингизга ёвтушмангиз. Сабр-матонат қалқони била аларни даф этингиз.

— Сизнинг ёнингизга келгач, енгил тортидим, — деди шоир эгар устида қаддини ростлаб ўтирган хушсурат Аҳмадхожибекка қараб.

— Мусофир юртига кетаётирмен, деб қайғурманг. Албатта, ватанин тарк этмак осон эрмас. Аммо беихтиёр олигга сафар тушган киши, таваккал отига миниб, сабр-матонат камари била белини боғлаб олмоғи зарур. Катта бошингизни кичик қилиб, ҳар ерга сибги кетаверасиз. Муқаррар маошим йўқ, деб қўрқманг, Самарқандда мендек дўстларингиз бор эркан, хор-зорлиқ кўрмайғасиз.

Аҳмадхожибек асли қашқарлик бўлиб, ўша замоннинг машҳур фузалоларидан Султон Маликнинг ўғли эди. Отаси ўлгандан кейин Хуросонга келиб, тахсил қўрди. Хаддан ташқари қобилиятли, хушмуомала, ғайратли, удабурон йигит бўлгани учун катта-кичининг хурматига сазовор бўлди. Халқ олдига уч пулчалик эътибори бўлмаган гаддор Абу Саид фақат Аҳмадхожибекдек одамнинг обрўсидан фойдаланиб, Самарқанд элини отаотда тутиб туриши мумкин эди.

— Самарқанд аҳли меҳмондўст, мусофирпарвар. Ул ерга Тошканд, Андижондан келиб тахсил кўраётган йигитлар кўп. Самарқанд — оламнинг сайқали, илмининг қони...

— Рост, Улугбек замонида шундоғ эрди. Улугбек, Қозизода бу дунёдин ўтдилар. Али Қўшчи Румга кетиб қолди, Самарқанд эгасиз, хувиллаб қолгон уйга ўхшаса керак.

— Қатиг тўқилса юқи қолур, деган мақолни эшитмаганмисиз? Алар дунёдин ўтган бўлсалар доғи, қуриб кетган бинолари, мадрасалари, ҳаммом, карвонсаройлари ўз ўрнида турибдур, шогирдлари, сўхбатдошлари барҳаёт... Рост, илм, риёзат ва фалакиётдан талым берадурганлар йўқ, аммо мантик, фалсафа, фароиз (ер ўлчов) илми равнақ топгон. Хиротга боқа бул ер тахсил олмақ учун тинч ва қулай. Бу йил неча ёшга кирдингиз?

— Йигирма бешга.

— Хали ёшсиз, вақт ганиматда ўқиб қолинг! Сизни ҳазрат Абуллайс мадрасасига жойлаштириб қўяман.

— Оғолик қилгонингиз учун ташаккур. Самарқанд ёш шоирни қулиб қарши олди. Қошинлари офтобда ярқираган мадрасалар нурдан унинг оёғига пойандоз солаётганга ўхшарди. Самарқанд тупроғига оёқ босиши, ажойиб жоме ва мадрасаларни кўриши билан Навоийнинг кўнгли кўтарилиб, ташвишлари унутилгандек бўлди.

Мударрис Хожа Фазлулло Абуллайс Алишерни очик юз билан қарши олиб, мадрасасига қабул қилди. Араб тили, сарф наҳвини арабларнинг ўзидан ҳам яхши билладиган бу олим — фозил ва шоир одамга Навоийнинг хурмати зўр эди. Алишер завқ билан ундан араб тили, фалсафа, мантик илмини ўргана бошлади. Ёнидаги ҳужрада андижонлик икки йигит — Юсуф Сафойи билан Юсуф Андижоний турардилар. Бир

кун улар палов пишириб, Алишерни меҳмонга таклиф этишди.

Юсуф Андижоний хулшакчак йигит экан. Дастурхон ёзиб, палов келтирганидан кейин «олинг, олинг», деявериб, меҳмонни тўйгунча таом ейишга мажбур этди. Қўлларга сув қўйилиб артилгандан сўнг, биров сўхбатлашиб ўтиришди. Навоийнинг Хиротдаги ҳаёти, ошна-оғайнларини сўраб-суриштирдилар.

— Хиротга нисбатан бу жойлар тинч, — деди Юсуф Алишерни юпатмоқчи бўлгандек, — Самарқанд баҳаво жаннатдек макон, Зарафшон суви болдин ширин, етмиш етти хил дардга даво. Бу ерда ҳаёт қайнайду, Хиротда эса ажалнинг бозори «чаққон, эшитимга кўра, ҳар кун Хирот арки олдиданги дошқозонлар тағига ўт ёқилиб, сув қайнатилар экан, маҳкумларни шул қозонга ташлар эканлар, ростму?

— Рост, — деб унинг галини тасдиқлади Алишер. Аммо шерикларининг кимлигини билмагани учун эҳтиёт бўлиб, гапни чўзиб ўтирмади. «Агар Хиротда қолсам, менинг бошим ҳам хатар остида бўлур эрди», деб ўйлади. Орага сукунат чўқди.

— Алишерни шаҳар айлантериб томоша қилдирсоқ яхши бўлур эрди, — деди Сафойи шеригига қараб.

— Мен жоме, мадрасалар, Кўк саройини томоша қилдим. Улугбек солдирган ҳаммомга дағи тушдим, — деди Алишер қули.

— Аммо Расадхонани бориб кўролмадим. Йироқ...

— Йироқ эрмас, — деди унинг галини бўлиб Юсуф. — Оби Машхад бўйлаб борилса, ўн беш дақиқалик йўл. Истасангиз, жума кунни бораёлик.

Орадан икки кун ўтгач, икки дўст Машхад ариғи ёқалаб Расадхона томон йўл олишди, гап билан бўлиб, у ерга қандай қилиб етиб борганларини пайкамай қолишди.

Кўҳак тепалиғи устига қурилган уч қаватли устувона шаклидаги, баландлиғи қирқ газдан зиёд бўлган бино ўзининг хашама-ти, улугворлиғи билан Алишерни хайратда қолдирди. Пишиқ гаштдан ишланиб, сирти мрамор тош билан қопланган ёй шаклидаги кузатиш асбобининг бир учи бинонинг ўртасидан чиқиб осмонга қараб турарди.

Эгасиз қолган Расадхона эшигига қўлф солинган, энди бу асбобдан ҳеч ким юлдузлар сайрини кузатмас эди. Пастда, Обираҳмат сойи яқиндагина бу ерларни обод қилган улуг олимларни хотириб, шувилларди. Кўм-кўк туман қўйнидаги Зарафшон тизма тоғларидан эсган шамол боғларнинг хушбўй хидларини келтирарди. Расадхонани пастроқда экинзорлар, боғлар уч томондан ўраб олган. Фарби-жануб тарафдан Самарқанд мадрасалари, саройлар, жомеларнинг қошинкор пештоқлари, миноралар кўзни қамаштирарди. Шаҳар устини енгилгина кўнғир чанг қоплаб олган, бу ернинг эса хавоси мусаффо, осмони чанг-тўзондан холи, юлдузларни кузатиш учун қулай эди.

«Дунё Улугбек янглиқ олимлар подшоҳини ва подшоҳлар олимини кўрмагон. Хиротдек ердин келиб, шу ерларни зиёрат қилгоним учун тақдирдан миннатдормен», деб ўйлади Алишер кўнгли тоғдек бўтарилиб, у кўлдан буён ўзини бундай бахтли ҳис қилмаган эди.

ХУРОСОН САРИ

Абу Саиднинг Самарқандда ҳоким бўлиб турган тўнғич ўғли Султон Аҳмад отасидек шижоатли эмас, аксинча, дангаса, майхўр, пирларга сиғинувчи нодон йигит эди. Ўзининг ақли ноқислигини, Моваруннахрдек улуг диёрни идора қилишга ақли етмаслигини билгани учун у ҳамма идора ишларини ўзининг тоғаси Дарвишали Муҳаммад тархон билан Аҳмадхожибек ва унинг амакиси паҳлавон Жонибек Дўлдой қўлига топшириб қўйганди.

Бир кун Султон Аҳмад ҳарамда ўзининг суякли хотини Қутибика билан машаққат қилиб ўтирган пайтида Хиротдан чопар келиб қолди. Девонхонада Муҳаммад тархон Дўлдой ва Аҳмадхожибек давлат ишлари тўрисида бош қотириб ўтиришарди. Тархон чопарнинг қўлидан ёрлиқни олиб, унга кўз югуртирди, ранги оқариб кетди. Абу Саид ўз ёрлиғида Фарбий Эронга — Озарбайжонга қўшин тортиб кетаётганини маълум қилиб, ўғли Султон Аҳмадга дарҳол қўшин билан Хуросонга етиб келишни буюрганди. Хусайн Бойқаро Абу Саиднинг Озарбайжонга кетганидан фойдаланиб, Хуросонга бостириб кириши мумкин эди.

— Фармони олийни бажо келтирмоқ учун дарҳол атроф-жавонидидаги қалъа доруғаларига чопар йибориб, ўз черикларингиз била етиб келинг, деб буюрмоқ даркор, сиз Аҳмадхожибек шул ишга киришинг, — деди Муҳаммад тархон.

— Зудлик билан мулк душман дафъининг чорасин кўрайлик, — деди Дўлдой, — дарҳол бул ишлардин соҳиби давлат — Султон Аҳмад Мирзони оғоҳ этайлик.

Муҳаммад тархон гапни чўзиб ўтирмади, қўлида ёрлиқни ушлаган ҳолда ичкарига — ҳарамга йўл олди. Эшик оғоси орқали жиянини хабардор қилиб, ичкари кирди.

— Мулк посбони маст-аласт, юртининг аҳволидин беҳабар, — деди у қовоғини солиб.

Бўғзи ингичка май кўзасини ёнига олиб ўтирган қалмоқ башара, оқ юзли гўзал Қутибика қийқ кўзларини ерга қадаб ўрнидан турди, уялиб, но-неъматлар тўла дастурхонга боққанича қотиб қолди.

— Тағойи, айтинг, юртга не бўлди? Тинчликми? — деб сўради ўрнидан туриб гандирақлаб кетган ҳукмдор. У тоғасидан бир қарич баланд, икки бети қипқизил, новча йигит эди, ингадигана ўсган қора соқолига ёпишган нон ушогини олиб ташлаб:

— Не бўдди юртга? — деб сўради яна. — Самарқанд эли мендин рози, ноҳақ қон тўқмаганмен...

— Сен ноҳақ хун тўқмайсен, Самарқанд аҳли сендин рози, — деди тоғаси, — ҳозир бошқа бир иш чиқиб қолди.

— Айтинг, не иш?

— Мен усрук киши била сўзлашмаймен. — Андоғ бўлса, ўша ишни менсиз, ўзингиз путқара беринг. Мен мутакаббир эрмасмен, одми одаммен, сиз ва бекларга ишонмен. Нима тўхтамага келсангиз, ҳаммасига розимен.

— Йўқ, сенсиз битмайтургон иш чиқиб қолди... Ҳой келин! — деб мурожаат қилди Муҳаммад тархон Қутибикага, — бир пиёла қатиг келтиринг, мирза уюб ойилсин.

Дарҳол келтирилган қатикни ичиб олгандан кейин Султон Аҳмад хотини солиб берган ўринга ётди ва кўп ўтмай, хуррак отиб ухлай бошлади.

Фарбий Эрон ва Хуросонда ўлимнинг бозори қизиб, далалар, қирларни лола ўрнига қон доғлари қоплади.

Икки пойтахтни — Самарқанд ва Хиротни икки чангалида ушлаб турган Абу Саид Эрон Озарбайжонининг пойтахти бўлган Табризга ҳам чанг солди, аммо ўзидек йирткич ҳукмдор бўлган Ҳасанбеги унинг қўшинини тор-мор келтириб, ўзини у дунёга жўнатди. Абу Саид аскарларининг кўпи қирилиб, қолганлари қочгани жой тополмади.

Қорақум даштида жавлон уриб юрган ёш Хусайн Бойқаро икки кучли рақибини олишайётганини яқинроқдан туриб кузатаётган эди. Абу Саид қўшинининг пароканда бўлганини кўриб, у яшин тезлигида Хуросонга бостириб кирди ва Хирот тахтини эгаллади. Амударёдан энди ўтган Султон Аҳмад чекинишга мажбур бўлди. Алишерни ўзи билан бирга олиб келган Аҳмадхожибек уни хузурига чорлаб, шундай деди:

— Биз Мовароуннахрга қайтиб кетмоқдамиз. Эмди сизга рухсат, она шаҳрингиз Хиротга бориңг. Султон Абу Саид менга: «Алишерни сенга топширдим, анга кўз-қулоқ бўлиб ўр», деб буюрган эрдилар. Алар дунёдин ўтдилар, фармонларини доғи ўз кучин йўқотди. Эмди эркинғиз ўзингизда.

Алишер унга миннатдорчилик билдириб, видолашди ва Хирот сари йўл олди.

— Сиз била Ҳасан Ардашерга беклик мартабасини бериб, бутун давлат ва молия ишларини иккин-гизга топширмоқ ниятидадурмен, — деб қолди Хусайн Бойқаро ҳужраи хосида Навоий билан сўхбатлашиб ўтираркан. Алишер Хиротга етиб келган куниеқ саройга келиб, эски дўстини зафар билан қутлаган ва «Қасидайи ҳилолийни» ўқиб берган эди. Ушанда Хусайн Бойқаро завқлиниб кетди:

— Маъни келингига ҳеч киши бу янглиғ ажойиб туркона либос кийдурмагон эрди, — деб мақтаган ва Навоийдек фазл аҳлларини давлатни бошқариш ишига жалб этиш заруригини кўнглидан ўтказган эди.

— Сизларга баъийн ўзимга инонгандек инонурмен. Подшолик учун сизлардек садоқатли, ҳалол одамлар зарур, — деб гапини давом эттирди Хусайн Бойқаро.

— Илтифотингиз ўчин ташаккур, бошим осмонга етди. Аммо менга дафъатан беклик унвонин бериб мол, давлат ишларин топшурсангиз, барлос, арлот уруғ оқсоқоллари, Алишер тайёр ошга бақовул бўлиб келди, деб айтмаскичилар.

— Неҳун ундок десинлар. Ахир сиз Абу Саиддин жабр кўрғонсиз, Самарқандга сургун этилгонсиз.

— Менинг тарихча гуноҳим йўқ эрди, ул бекорга мени жазолади. «Калила ва Димна» китобининг муаллифи: «Беғуноҳ кишиларни қўрқитиб, аларга жазо берган подшоҳ ўлгандин сўнг бадном бўлғай», дебдурлар...

— Борақалло, ҳикматики сўз айтибдурлар, — деди Хусайн Навоийнинг сўзини оғзидан олиб, — Дарвоқе, Абу Саид бадном бўлди, ҳеч ким ани яхшилиқ била тилга олмайду. Ҳай, майли. Бир ҳисобда сизнинг сўзингизда ҳам жон бор. Сизга хозирча кичикроқ бир вазифа берай. Хизмат қилиб ўзингизни кўрсатинг сарой аҳлининг кўзи сизга ўрганган, — у қийқ кўзларини юмиб, пешонасини ушлаганича ўйлаб қолди.

— Сизга хозирча муҳрдорлик мартабасини берай. Подшолик муҳри илқингизда тураду. Менинг фармонларимга муҳр босайсиз. Музаффар барлоснинг хусни таважжухини қозонмоққа ҳаракат қилинг. Мирзо Бобур вафотидин шул дамгача амир Музаффар менинг ёнида юриб, жаҳду жаҳал кўрғазди.

Музаффар барлос ўзини ярим подшо деб ўйлар, чунки унинг ёрдамисиз Хусайн тахтни ололмастлигини билар эди. «Анинг розилиғин олмай, бир қадам ҳам босолмаймен. Аёққа кишан бўлган дўст душмандин ямон. Пайт пойлаб, бул кишанни парчалаб ташламасам, ишим олға босмас», деб ўйлар эди Хусайн.

Ислоом барлос ҳаддидан ошгани учун султоннинг назаридан қолган эди. Хусусан, Навоий муҳрдор қилиб тайинланганидан кейин у ҳар ерда пўнғиллаб, «ўроқда йўқ, машоқда йўқ, жирмонда хозир бўлганлар» шаънига тош отиб юрди. Аммо Навоий «тош билан оттанларга ош билан от» қабилида иш қилди. Бир кун у султон хузурига кирган Ислоом барлоснинг шижоатли, тадбири аскарбоши, сиёсатли маълум эканлигини айтиб, уни Балх қалъасига доруға қилиб юборишни таклиф этди. Султон шoirга илтифот билан кулоқ солиб, шу тўғрида ўйлаб кўриш заруригини айтди. Девонда Хусайн Бойқаронинг сўл томонидида шарафли ўринда ўтирган Музаффар барлос хайратда қолди, Навоийга қараб қўйди.

«Наҳотки, Алишер ўзига бадхоқ бўлган бир киши тўғрисида шунча гамхўр бўлсал», деб ўйлади. У султоннинг шоир сўзини ерда қолдирмаслигини яхши биларди.

Орадан икки кун ўтгандан кейин Навоий саройга келганида, султоннинг фармониини олиб Балхга кетиш тараддуқидида юрган Ислоом барлос ясовулхона ёнида Навоийни учратиб, салом берди.

— Мен нодон, сизнинг қадрингизни билмаган эканмен, яхшилиқка яхшилик ҳар кишининг илқидин келадур, аммо ёмонлиққа яхшилик сиздек олижаноб, эр кишининг илқидин келадур. Мен ўлар-ўлгунимча сизнинг содиқ қўлингизмен, — деди.

— Мен доғи сизнинг дўстингизмен, — деди шоир, — имоним қомилдорки, сиз султонга содиқ, черикларга гамхўр ва адолатли бўлурсиз.

Улар гапшайиб турганида ясовулхонадан чиқиб келётган бир навқар шоирга салом бериб, таъзим қилганича туриб қолди. Навоий бу қора соқол, новча одамни аллақерда кўргандек эди.

— Танимадиларми? Абу Саид замонида Жаҳ-Жаҳ мавзенида бўлгон жангда биз асир тушган эрдик, жаноблари мени бир дўстим била ўлимдин қутқаргон эрдингиз, — деди.

Навоийнинг юзи ёришиб кетди. — Сизни яна соғ-саломат кўриб беҳад қувондим. Дўстингиз қайда? Боши омонму?

— Боши омон. Ушал куниеқ мендин айрилиб қишлоғи Файзободга кетди, мен яна ўз черикларимизга бориб қўшилдим.

— Борақалло. Мирзога содиқ эркансиз. Ислоом барлос уларнинг гапига диққат билан кулоқ солиб туриб, шоирнинг нақадар бағрикенг одам эканлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилди.

СУВИ ~ ЗАР, ПИЯРОҒИ ~ ПИЛЛО

Дилинг булбул эса, эй дўст, чамандин айрилиб бўлмас, Бамисли кумридек бир гул бадандин айрилиб бўлмас.

Юзи гул, сочлари сунбул, лаби дур, кўзлари нарғис, Ажойиб қомати — сарви сумандин айрилиб бўлмас.

Неча ажодларим кечмиш ки жондин, хур диёрим деб, Диёрим номус-оримдир, ки, андин айрилиб бўлмас.

Жаҳонда ўз тилим билан такалдум айлабон, шодмен, Онам номига уйқаш ул суҳандин айрилиб бўлмас.

Мақоним қир-адирлар, воҳа билан боғу водийлар, Ки қалб кўридаги дурри Адандин айрилиб бўлмас.

Негай, бир дам йироқ кетсам, кўзим соғинчда ёшлангай, Висоли — нури шамъи анжумандин айрилиб бўлмас.

Тириксан токи Зикрилло, бу аҳдин кечмагил асло, Суви — зар, тупроғи — тилло Ватандан айрилиб бўлмас.

Зикрилло НЕЪМАТ

ДИЁРИМ, ОРУ НОМУСИМ



АЙЁМ МУБОРАК

Эй, азиз юртим, кулиб келмиш гўзал кўкларларинг, Қўтлайин, бўлсин муборак гулбахор, оламларинг.

Чун Ҳамал буржига кирмиш офтоб ҳам жилмайиб, Бу сенинг чин янгиланган ҳам яшарган дамларинг.

Абри найсонлар кезиб кўкдан томарлар дамба-дам, Боғу роғлар бағрига маржондайин малҳамларинг.

Тонгача сайрона ул булбулларинг кўз ёшидек, Ялтирар гул, майсаларинг барғида шабнамларинг.

Қир-адирда лолалар янглиғ ловуллаб қалблари — Борадир гул сайлига ошуфта дил маҳрамларинг.

Бу ёруғ кунларга минг шукрона айттид, жон элим, Муштарак бўлсин тўю байрамга тўй-байрамларинг.

Бир умр бахтли-саодатли бўлиб шодон яшанг, Дейди Зикрилло: элим, эй, бўлмасин ҳеч камларинг!

СОҒ БУЛИНГ

Абдулла Қодирийнинг донишманд қахрамонларидан бири "Умр — отилган ўқ эмиш", дейди. Ҳар ўтган кун, ҳар ўтган давр тарихга, хотирага айланади. Хотиралар эса орадаги масофа кенгайиб боргани сари совийди, хира тортади, ёлдан кўтариллади.

Орадан асрлар ўтса ҳам Абдулла Қодирийдек истеъдод одамлар хотира-сидан ўчмайди. Бунинг энг асосий омили адиб ёзган гўзал асарлардир. Асарлари баробарида ёзувчининг инсоний фазилятлари, ҳаёт тарзи ҳам доим

тафсил ёзиб қолдирилган. Маълумотларга кўра, Гёте умрининг сўнгги дамида кўпроқ ёруғлик ва тоза ҳаво сўрайди. Л.Толстой эса "Нима қилишни билмай қолдим!" деганича боқий дунёга рихлат этади. Хўш, Абдулла

ХОТИРАДА АДИБ СИЙМОСИ

кўпчиликини қизиқтиради. Аслида, ёзувчи маънавий дунёси иходида акс этади ва аксинча. Романларига кўнган Абдулла Қодирийнинг юрак дардлари ва қахрамонлар дунёсини англашда хотиралар очқич вазифасини бажаради. "Қодирийнинг сўнгги илтижоси" рисо-ласида ("Мовароуннахр" нашриёти, 2014) профессор Умарали Норматов Абдулла Қодирий ҳақидаги хотира китобларига ана шу мезонлар билан ёндашган. Муаллиф "Хотираларда адиб сиймоси"ни битар экан, Ҳабибулла Қодирий, Масъуд Қодирийларнинг ота-ларини эслаб ёзган асарлари ҳамда адиб замондошлари хотираларига диққатни қаратади. Бу манбалар Қодирийнинг табиати, асл маслағи, имон-этикоди, ижод лабораториясининг айрим қирраларини очишга ёрдам беради. Зеро, психобиографик тадқиқ усулига кўра мактублар, турли қўлёзмалар, кундалиқлар, шахсий архив материаллари қаторида ижодкорнинг яқинлари ва замондошлари ёзган хотираларнинг ёзувчи бадиий оламини тушунишдаги қадр-қиммати беқеъдир. Чунончи, олим олимлари учун Эккерманнинг "Гёте билан гурунлар" асари бебаҳо ҳазина, улуг адибнинг маънавият мулкига киришда сеҳрли калит саналади. Жаҳон адабиётидаги кўп адибларнинг умрининг охири паллалари ба-

Қодирийнинг сўнгги кунлари, охириги нафсалари хусусида нималар билма-миз? Шу пайтгача бу ҳақда ҳужжатли, аниқ тафсилотли маълумот топилмади. 1937 йил 31 декабрда уйдан олиб кетилгани, тергов-лар, таниш-билишларнинг қўрсатмалари, 1938 йил 4 октябрда отилгани хусусида умумий маълумотлар бор, холос. Назаримда, У.Норматовнинг хотиралар силсиласига асосланиб ёзган "Қодирийнинг сўнгги илтижоси" мақо-ласи адиб умрининг охириги лаҳзалари ҳақида муайян тасаввур уйғотади. Бадиий тўқимида ўшаб кўринган ушбу хотира таъсирида "инсон учун дунёда ўлудман кўркунч нарса йўқ"лигини жуда теран ҳис этган шахсининг мард-лиги ва жасоратига таҳсин айтади. Қолаверса, бу манзара "Мехробдан чаён" романи бош қахрамони, ўлимга ҳукм қилинган Мирзо Анвар ҳолатига оид бир эпизодни ҳам ёдга солади: "Дор остида Анварнинг кўли ечибли, таҳорат олиш учун унга сув берилди. Чунки бу маҳкумнинг қонуний ҳаққи эди... Анвар таҳоратланиб, устидаги тўнини ерга ёзди. Жаллодлар доира-ни бироз кенгайтиб, Анвар икки ракъ-ат намоз ўқиди..." Абдулла Қодирий суюкли қахрамонига ўлими олдиндан, дор остида шундай бир адабий

хуқуқни "берган" экан, ўзи ҳам ўлими олдиндан ҳукм ижросидан, аввало, ўз "қонуний ҳаққи"ни сўраши, иккинчи тарафдан, "қайралаётган пичоққа бу-тунлай парвосиз, кўркунсиз" қараш ишончли ва табиий кўринади. Тўхмат ва хиёнатларга бардошли адиб тўққиз ойлик руҳий азобларга қиёсан жисмо-ний ўлим қаршида мардона тура олиши мумкин эди. Шу маънода Қоди-рий умрининг сўнгги лаҳзалари тўғри-сида ҳар қандай бошқа, турли фикр-лар бўлмасин, мақолада баён қилган воқеа мантиқ кучи билан ажралиб туради. Бу "сўнгги илтижо" адиб мухлисларининг юраги-ни ўртаб, хотиржам қилади. Қолаверса, У.Норматов кела-жақда бунга қараганда ишончли ман-ба топилши эҳтимолини инобатга олиб, ҳолислик юзасидан, олдиндан узрини айтади ва улар учун ҳам эшикни очқ қолдиради.

Китобчада "Чин эътиқод, беназир истеъдод соҳиби" сарлаҳали суҳбат-да ҳар қандай ижодкорнинг бебаҳо қўлб жавҳари — имон-этиқод ҳақида сўз боради. Саволларга Умарали домла адиб ижодининг билимдони сифатида батафсил, далиллар билан жавоблар беради; айна пайтда, қоди-рийшунослик олдида турган вазифа-ларни, бу соҳада бажарилиши лозим бўлган ишларни баён қилади. Қодирий меросининг матний тадқиқи ҳам, бутун ижоди моҳиятига сингиб кетган гоёвий маслағини кенг кўла-да ўрганиш ҳам ўринли талаб ва дол-зарб вазифа. Бу талаб ва вазифалар адибнинг ҳозирги кунда биз ўқийтган асарлари матни табиатидан келиб чиқади. Зотан, Абдулла Қодирий ада-бий меросини ҳар бир авлод ўзича ўқийди ва ўзича талқин этади. Ишонамизки, бунда тақрирдан кўра янгиликлар кўпроқ бўлади.

Баҳоидир ҚАРИМОВ, филология фанлари доктори

АДАБИЙ УМР БОҚИЙЛИГИ

Абдулла Қодирий асарлари теран фалсафаси, кучли ва таъсирчан мантиси, сўзлар ишга тизилган дурдек юксак маҳорат билан қўллангани боис барча даврларда китобхонларни ўзига ром этиб келаётган.

Унинг бой адабий мероси истис-қол даврида янги нукта назардан таҳлил ва тарғиб этилаётгани, асар-ларининг очилмаган қирралари кашф этилаётгани қувонарли ҳол. УЗР ФА Алишер Навоий номидagi Тил ва ада-биёт институти илмий кенгаши томи-нидан нашрга тавсия этилган "Абдулла Қодирий абадиёти" ("Muntoz so'z" нашриёти, 2014) номи тўпламга жамланган мақолалар фикримизга бир далилдир. Тўпламдаги мақолалар мавзусига кўра беш фаслга тақсимланган. Даст-лабки "Абдулла Қодирий феномени" деб номланган фаслдаги Одил Ёкубовнинг "Абдулла Қодирий мўъжизаси", Иброҳим Фафуровнинг "Абдулла Қодирий сиймоси" мақолаларида адибнинг улғувор сиймоси ва бетак-рор истеъдодига доир кузатишлар, фикр-мулоҳазалар баён қилинган. Мазкур мақолалар муаллифлари Абдулла Қодирий ёзувчи сифатида ҳаётни, борлиқни ҳаққоний тасвирла-гани, ҳатто асарларидаги майда де-талларда ҳам миллийлик уфуриб тур-ганини таъкидлашади. Академик Матёкув Қўшоновнинг: "Адабий танқид ҳам ихтиро қилади, ҳам ўзи ихтиро қилган талентларни ардоқлайди" деган фикрида мазкур тўплам муаллифларининг меҳнати алоҳида таъкидлангандек, назаримиз-да. Чиндан-да, Абдулла Қодирий ме-

роси бўйича кўп ишлар амалга оши-рилган бўлса-да, унинг очилмаган, фанга маълум бўлмаган жиҳатлари янгидан кашф этилаётгани шундан далолатдир. Чунончи, "Абдулла Қоди-рий абадиёти" китобида киритилган адабиётшунослигимизга кўп хизмат-лари сингган йирик олимларимиздан тортиб, улар изидан бораётган ёш тадқиқотчиларимиз-нинг мақолаларида ҳам атоқли ёзувчи шахсига, ҳаёти ва ижодида янги-ча ёндашилгани, ўзига хос талқинлар, эътибор-ли тортадиган фикр-му-лоҳазалар билдирилган, аввало, Абдулла Қодирий сиймо-сига, қолаверса, пок руҳига бўлган эътиқодлари натижасидир. Тўпламнинг "Илмий биографияни яратиш йўлида" деб номланган фас-лидаги Н.Қаримов, Ш.Турдиев, С.Тулаганова, Ш.Қодирий мақолалари ёзувчи таржимаи ҳолини янги маълумотлар билан тўлдирдишда илмий асос бўлади. Бу мақолаларда ади-бининг сурунли ҳаёти, ачинарли тақди-ри билан боғлиқ воқеалар ҳақида янги маълумотлар ёритилган. Жумладан Н.Қаримов мақоласида 30-йилларнинг "катагон бурони"га дуч келган ёзувчи ҳаётидаги кўпчиликка маълум бўлма-



Абдулла ҚОДИРИЙ абадиёти

ган воқеа-ҳодисалар баён этилган. Олим бўлиб ўтган мудиш воқеалар билан ўқувчиларни таништиради экан, фикр-мулоҳазаларини тарихий ҳуж-жатлар орқали асослайди. Архив ма-териаллари чуқур ўрганилиб ёзилган мазкур тадқиқот адиб илмий биогра-фиясини яратишда назарий жиҳатдан бақувват, таянч манба вазифасини ба-жара олади, деб ўйлаймиз. Муаллиф воқеалар кетма-кетлигини суялган ҳолда ҳар бир деталга алоҳида эътибор қаратиб, ўқувчи кўз ўнгига ўша мудиш катагон дав-ри лавҳаларини таъсирчан гав-далантиради.

Адиб таржимаи ҳолини тўлдирдишда Ш.Қодирийнинг "Кетмон ва қалам" мақоласи ҳам алоҳида аҳамият касб эта-ди. Мақолада А.Қодирийнинг ёзувчилик билан баробар зиро-ат илмини ҳам муҳаммад эгал-лагани, Ойбек таъбири билан айтганда, "ақлий меҳнат киши-ларига ҳар маҳал ҳам насиб бўлавер-майдиган даражада жисмоний меҳ-натга ўч киши" бўлганлиги ёзувчи таржимаи ҳоли билан боғлиқ адабий материаллар ва хотиралар асосида батафсил баён қилинган.

Албатта, ёзувчи асарлари замири-га сингдирилган бадиий-эстетик ҳақиқатларни ҳар бир олим, тадқиқот-чи ўзига хос нуктаи назар ва таҳлил орқали очиб беради. Чунончи, тўплам-даги М.Қўшоновнинг "Абдулла Қоди-рийнинг тасвирлаш санъати" мақола-сида асосан "Ўткан кунлар" романи бош қахрамони Отабек образига эъти-бор қаратилган, унинг характер сифа-

Абдулла ҚОДИРИЙ:

ЁЗУВЧИ БЎЛАМАН ДЕГАН КИШИ...

Ёзувчининг ўзидан кўшиши (русча айтганда, вымысел) адабий асарда катта рол ўйнайди. Лекин мен турмушда кўрмаган, билмаган нарсам ҳақида ҳеч нарса ёзмайман. Ҳар бир асаримнинг ёзилишига турмушда учраган бирор воқеа сабаб бўлади... Мен материалларни ўрганиш маҳа-лида асарни қайси хилда ёзиш ҳақида бош қотириб юра-ман. Шунинг натижасида мен ўзимча асаримнинг жуда ҳам тахминий схемасини тўзиб олиб, кейин ишга тушаман. Шундай схема бўлмаса, ҳеч қачон ёзувга ўтира олмайман.

Ҳақиқий ёзувчи бўлмоқ учун турмушни ҳар тарафлама ўрганиш, бунинг учун унинг ҳар саҳифаларидан хабардор бўлиш керак. Қисман меннинг бошимдан кечирганларим меннинг ёзувчи бўлишимда каттагина рол ўйнаганлар. Ҳақиқий ёзувчи бўлишни истаган ёшлари-миз ҳам дастлаб шу турмуш ичига қириш-лари, уни билишлари керак.

Адабиёт дунёсида икки турли танқид бор: жиддий танқид ва ҳажвий танқид... Танқиднинг иккинчи хили бўлган ҳажвий (сатира маъноси билан) оммавий дейил-са бўлади... Ҳажвий танқид авомнинг руҳига яқин ва унинг ҳис этган, аммо ифода қила олмаган масалаларига тар-жимондир. Хулоса: ҳажвий танқиднинг табиатидаги кулгулик унсурни авомнинг маҳбуби, тагин тўғриси, унинг ўз иходиридир.

Бир миллатнинг ҳар бир соҳада тур-ган мавқеи маданиятдаги даражасига, яъни савиясига қараб ҳукм қилинса ҳам, аммо ҳажвийдаги даражаси бунга қарамайди. Миллатнинг кулгулик даҳо-си аксар ўша қавмнинг интибоҳ тарих-ининг қалдирғочи бўлиб кўринади. Масалан, Италияда, Испанияда ва Рос-сияда (Гоголлар) каби...

"Ўткан кунлар"ни ёзар эканман, до-мо кўз ўнгимда ўқувчи оммаси турар эди. Мен бу китобим билан халқимиз раб-батини бир оз бўлса ҳам янгиликка тор-тай, дер эдим... Модомки, асар савия-си ўзимизга маълум шу халқ учун ёзи-лар экан, яна бир мунча вақт "сўнгги при-ём"лардан кўз юмиб туриш, ориликда сўнгги приёмни оз-оз қистири бориш лозимдир. На унчуним, сўнгги приёмда ёзилган шеър ва насрларимиз бир таба-қагагина хос бўлиб қола бергани даъ-воимизга далилдир.


Мен бир асар ёзишдан аввал шу ёзмоқчи бўлган нар-сам ҳақидаги материалларни пухта ўрганиб чиқаман... Материални ўрганиш маҳалида энг майда нарсаларга (де-талларга) ҳам аҳамият бераман... Масалан, мен ҳалиги ўрганишда бўлган ерда қанча дарахт борлиги, уларнинг қанчаси эски ва қанчаси янгилиги, мен борган маҳалда ўша дарахтларда қандай кушлар қайси хилда қўниб тур-ганлиги ва шунга ўхшаш майда нарсаларга. Биринчи қараганда, бу нарсалар ҳеч аҳамиятга моллик бўлмайдиган-дек кўринса ҳам кейинроқ фойдаси тегиб қолиши

тида ривожланиш босқичлари бади-ий матн талқини орқали далилланиб, чуқур таҳлил этиб берилган. Қодирий ижодидаги "очилмаган жумбоқ"лар ечимига қаратилган "Ўткан кунлар" сабоқлари: романнинг ижодий тарихи, ижтимоий пафосига оид мулоҳазалар" мақоласида У.Нор-матов романдаги энг нозик, ўқувчи "қўзидан қочадиган" жиҳатларни ба-диий ҳодиса сифатида асослаб бера-ди. Синчков адабиётшунос олим "Ўткан кунлар"нинг матни замирига яширинган бадиий ҳақиқатни топиш-га ҳаракат қилиб, Қодирий романла-рининг ижодий тарихи ва сир-синоа-тини Тошкент адабий муҳитига оид Муҳаммад Солиххўжа Муродхўжа ўғлининг "Тарихи жадидайти Тош-қанд", Х.Қодирийнинг "Отам ҳақида", А.Қодирийнинг "Ёзувчи ўз ижоди тўғрисида" каби манбалар воситаси-да очиб беради. Романдаги етакчи образлар прототиби, хусусан, Отабек, Юсуфбек хожи образларининг ҳаёт-ий асоси ҳақидаги асосли фикрлар ўқувчилар учун ҳам янгилик, ҳам қизи-қарли, қолаверса, бу далиллар китоб-

мумкин... Ёзувчи бўламан деган ҳар бир киши ўзида мана шундай турмушнинг майда-чуйдаларига кузата оладир-ган қобилиятни ўстириши керак.

"Ўткан кунлар" янги замон романчилиги билан тани-шиш йўлида кичкина бир тажриба, яна тўғриси, бир ҳавас-дир. Маълумки, ҳар бир ишнинг ҳам янги — ибтидоий дав-рида талай камчиликлар билан майдонга чиқиши, аҳллар-нинг етишмаклари ила секин-аста тўзалиб, тақомилга юз тутиши табиий бир ҳолдир. Мана шунинг далласида ҳавас-симга журъат этдим, ҳаваскорлик орқасида кечатурган қусур ва хатолардан чўчимадим.

Дидактика усулини кўпроқ қўллашнинг сабаби "Ўткан кунлар"нинг оммаи савия-сига қараб ёзилишидандир. Маълумки, биз-нинг омма то шу кунгача ҳам ўрта аср дос-тон ва ҳикоялари билан озиқланиб кела-тон Самарнинг шу ҳолини назарга олганда, бармоқ билан саналлик беш-ўн тагига (улар ҳам ўз хунларларида нўноқлардирлар) ёшларимиз учун "сўнгги приём"ни бе-риш тиши чиқмаган болага қурт шимитиш каби бўлар эди. Ҳолбуки, бу эски приём журъатга, халқимизнинг савия-сини эътиборга олиб қабул қилингандир.



Сўз сўзлашда ва улардан жумла ту-зишда узоқ андиша керак. Ёзувчининг ўзига тушуниб, бошқаларнинг тушу-маслиги катта айб. Асли ёзувчилик айтмоқчи бўлган фикрни ҳаммага ба-рорбар англаша билишда, орага англа-шилмовчилик солмасликдандир. Бундан бошқа фикрнинг ифодаси хизматига ярамаган сўз ва жумлаларга ёзувда асло ўрин берилмаслиги лозим. Шун-дагина иборанинг тузатиб босилиши-га йўл қўймаган ва мустақил услуб ва ифодага эга бўлиб, ўзининг қалам-даги истиқболлигини таъмин қилган бўласиз. Кишига ишониб ва беҳуда ку-чаниш маъқул гап эмас, бировга орқа қилиб, ўзингизда бўлган талантнинг ру-ҳига фотиха ўқий кўрмангиз! Бир со-атда эмас, ўн соатда ёзиш, бир қайта эмас, ўн қайта тузатиш кишининг ёрда-мига термулишга қараганда ҳам фой-далиқ, ҳам умидлидир.

Бундан бирор йиллар муқаддам ўртоқ Сотти Ҳусайн "Ўткан кунлар"ни танқид қилиш ниятида бўлганлигини менга изҳор қилиб, ёрдам сўраганда унга хурсандли-гини билдирган, "Агар сиз шу ниятингизда собит қол-сангиз, танқидчиликдаги бир нуқсонимизни йўқотасиз!" деган, керакли маълумотлар бериб, ҳатто менни роман ёзишга ҳаваслантирган. Миср фузалосидан устоз Жўржи Зайдон билан таништириб, Жўржи Зайдоннинг қолиб ва гайри (бошқа) асарларини С.Хусайнга тавсия қилган ва орзуси бўйича таржимаи ҳолимин ҳам ёзиб берган эдим. Дарҳақиқат, сиз ва бизнинг вазифамиз бундай ёш, гаюр йигитларга ҳам доим далда беришиқдир.

хоннинг адабий-бадиий тафаккурини янгилайди. Мазкур фаслдаги танқи-қил устоз олимлар М.Қўшонов, Н.Қа-римов, У.Норматов, Б.Назаровнинг те-ран кузатишлари асосида туғилган илмий мулоҳазалар А.Қодирий ижоди-ий меросига доир навбатдаги тадқи-қот бўлиб эмас, балки яхлит ада-бий-танқидий асардек бўй кўрсатади. Тўплам мундарижасидан ўрин ол-ган "Абдулла Қодирий ва санъат" фаслида ёзувчи ижодининг кино ва тасвирий санъат билан уйғун ҳолда-ги талқинига ғувоҳ бўламиз. Адиб асарлари санъатнинг ҳар қайси тури учун етарли манба бўла олиши Х.Ак-баров, Т.Маҳмудов, А.Мирзаев ва бошқаларнинг мақолаларида ишо-нарли тарзда талқин қилинган. Бу ма-қолаларда А.Қодирий асарларини эк-ранлаштириш билан боғлиқ масала-лар, адиб сиймосини абадийлашти-ришда тасвирий санъатнинг хизма-ти ҳақида ҳам қимматли фикр-муло-ҳазалар айтилган. А.Қодирий ижодининг хорижда ўр-ганилиши мавзусига ҳам китобда кенг ўрин берилган. Чунончи, Х.Исматулла-

Муқаддас ТОЖИБОЕВА, филология фанлари номзоди

ТАДРИЖ ВА ТАЛҚИН

Жаҳон адабиётдаги янги оқимлар, йўналиш ва тушунчалар адабий жарағига кириб келаёт-гани боис сўнгги ўн-ўн беш йил ичида яратилган тадқиқот ва ма-қолаларда бир қанча янги атамал-лар, истилоҳлар тилга олинаётган. Бу эса миллий адабиётшуносли-гимизда уларнинг шарҳи, таҳлил ва тадқиқини тақозо этмоқда. Албатта, бу каби янгиликларни таҳлил этиш доим ҳам энгил бўлмаган. Чунки шу пайтга қадар дастуриламал бўлиб келган назар-ия ва услублар нафақат шакл, балки мазмунни ҳам маълум бир қолипга сомув кўйган эди. Янги тушуна ва атамалар уларга ўзга-ча назар билан қараб фикрлаш-ни талаб этади.

Таникли адабиётшунос Муҳаммадхон Холбековнинг "Структур адабиётшунослик" номили рисоласида ("Наврўз" нашриёти) айнан шу масалага қисман оидлик киритиш, айрим тушунчаларга янгича бир назар

билан қараш мақсад қилиб олин-ган, яъни тадқиқотда жаҳон ада-биётшунослигидаги структура-лизм ва структур адабиётшунос-лик назарияси тамойиллари таҳ-лил этилган. Муаллиф асосий эътиборни структурализмнинг асослари, етакчи тамойиллари, тарихи, структурализмнинг назарий асосларини ишлаб чиққан фарблик олимлар Р.Барт, М.Фуко, Л.Ельмслев, Ц.Тодоров, А.Греймак, Ю. Кри-стева, М.Бахтиннинг қарашлари ва илмий ишларига қаратган.

Структур адабиётшунослик бир томондан фалсафа, бошқа бир томондан эса лингвистика билан боғлиқ. Структуралистларнинг қарашлари адабиётдан ташқари, фаннинг талай тармоқ ва соҳала-рига ҳам кириб борган. Уларнинг нуктаи назарича, адабиёт ҳам коммуникативнинг бошқа кўри-нишлари каби белгилар тизими-дан иборат. Мазмун эса ушбу ти-

зимнинг белгилари ўртасидаги муносабат натижаси сифатида намоён бўлади. Яна бир муҳим жиҳат бу — матн концепцияси. Матн ўзига хос ёпиқ бир тизим, унда асосий ўринни ташқи дунё-ни акс эттириш эмас, балки ушбу матннинг тарқибий қисмлари, яъни струк-турасининг ўзаро уй-ғунлиги, мазкур тизим белгилари ўртасидаги ўзаро му-носабатлар эгаллайди. Матнда ушбу тарқибий қисмлар бир-би-рини тақозо этади, холос. Маз-мун эса шунинг натижасидир.

Рисолада француз адабиётшун-ос олими Р.Бартнинг тадқиқот-лари, хусусан, унинг "Муаллиф ўлими" (1967) асари талқинга кенгроқ ўрин берилган. Муаллиф М.Бахтиннинг тадқиқотларига тўхтаб ўтишни мақсад қилмаган бўлса-да, у келтирган маълумот-лар асосий мавзуну хар томон-лама ёритишга хизмат қилган. А.Греймакнинг структур адабиёт-

шунослик назарияси таҳлиliga эса алоҳида боб ажратилган. Бу, албатта, бежиз эмас.

Р.Барт постмодер-низм, хусусан, структу-рализм назарий пойде-ворини яратувчилардан бири сифатида эъти-роф этилади. Унинг "Семиотика. Поэтика", "Танқид ва ҳақиқат" китобларига киритилган мақолалари, хусусан, "Фан ва адабиёт", "Му-аллиф ўлими" номили эсселари ўз вақтида турли баҳо-ларга сабаб бўлган. Жумладан, М.Холбеков рисолада бир неча бор тилга олган "Муаллиф ўлими" эссеси постмодернизм-нинг хос белгиларидан бири бўлиши интертекстуаллик, "му-аллифлик нуктаи назарининг ўлиши" ҳамда метафоранинг ту-ғилишига олиб келган. Ҳозир вақти-да Р.Бартнинг бу асари М.Фу-конинг "Муаллиф нима?" номили маърузаси билан бир қаторда ўрганилган ва муаллиф шахсига доир жиҳатлари билан бир-би-рига ҳамоҳанг қарашлар сифати-

да баҳорланган. Кейинчалик Фарб адабиётшунослигида постмо-албатта, бежиз эмас. дернизмнинг асосий тамойиллари ва концепцияси, белгилари ишлаб чиқилаётганда Р.Барт ва М.Фуконинг изланишлари кўп жи-ҳатдан асос бўлиб хиз-мат қилган. Р.Барт асарлари фалсафа билан боғлиқ-ликда идрок этилади. М.Холбеков "структу-рализм нуктаи назаридан олиб қараганда, асар муаллифи, ўзин у насрнавис, ҳош шор бўлсин, ҳақининг ижодий дастури, ижодий индивидуаллиги, психологияси, қолаверса, дунёқараш, имон-этиқоди, феъл-атвори каби хислатлар жиҳатидан ном-нишон-сиз "ўчирилди". Майдонга тил, матн, код, структура чиқади", дея "муаллиф ўлими" концепцияси-нинг асосий мағзини тўла ва тўғри тушутириб беради. Рисола муаллифи француз адабиётшуноси А.Греймакнинг қарашларини тавсифлар экан, адабиёт ҳақидаги фаннинг спе-

цификаси борасида у билан баҳсга киришади. М.Холбеков "Матн ўзи нима?" деган саволга аниқлик киритади. "Тилшунос учун матн — бу ўзига хос хусу-сиятларга эга табиий тилнинг қўлланилишидир, — деб изоҳ беради муаллиф. — Унга уйғун-лик, раволик ва тугал маъно касб этиш ҳосидир". Лекин ХХ асрнинг иккинчи ярмида матн-нинг муғлақро бошқа концепция-си пайдо бўлдики, бу концеп-ция шу даврга қадар мавжуд бўлган тушуна ва тасаввурлар-ни рад этди. Бу чексиз-чегара-сиз, бепоён матн назарияси бўлиб, бунда воқелик ёлпасига матнга мослаштирилади, бош-қача айтганда, матнга сиғдири-лади. Баъзан бунга "реаллик яратил" концепцияси деб ҳам аташади. Рисола муаллифи шу концепцияни таҳлил қилиб, унинг бугунги кун адабиёти, ху-сусан, адабиётшунослиги қиёфасига қай таҳлил таъсир кўрсатганини тавсифлайди.

М.Холбеков шу кунга қадар структур адабиётшуносликда амалда бўлиб келган тушунча-лар, ҳукм сурган қарашларни тадқиқ қилар экан, кўп масала-ларда Р.Барт, А.Греймак билан баҳсга киришади, ўз фикрлари-ни асослаб беради. Айтиш керакки, юқорида ном-лари келтирилган адабиётшунос олимларнинг асарлари жаҳонда эътироф этилган бўлса-да, биз-нинг ўқувчиларимизга ҳали кўп ҳам таниш эмас. Боиси, бу асар-лар ўзбек тилига ўгирилиб, чоп этилмаган. Рисола муаллифи мавзуну оқиб бериш учун кўп из-ланган, рус ва инглиз тиллари-даги манбаларга мурожаат қил-ган, иқтибос сифатида келтириб учун зарур ўринларни ўзбек ти-лига ўзи таржима қилган. Рисола структурализм масала-лари билан шуғулланувчи адаби-ётшунос олимларга, филология факултетларининг талаба ва ма-гистрантларига мўлжалланган бўлса-да, семантика, интертексту-аллик ва интертекстуаллик маса-лалари, умуман, авангард адабий қарашларга қизиқадиганлар учун ҳам қизиқарли бўлиши аниқ.

Рисолат ХАЙДАРОВА

Абдурашид Йўлдошев:

МУХЛИСНИ АЛДАБ БЎЛМАЙДИ

Истеъдодли ижодкор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдурашид Йўлдошев Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан 2014 йилнинг энг фаол хонандаларидан бири сифатида эътироф этилди. Дарҳақиқат, хонанда "Ватан", "Зухром келмади", "Ёндирди", "Хабаринг йўқ", "Ёнар кўзларинг", "Кўнгил учун" каби кўплаб дилга яқин тароналари билан мухлислар қалбидан жой олган. Унинг миллийлик ва замонавийлик уйғунлашган кўшиқлари таҳсинга лойиқ.

— Абдурашид ака, ижодингизни кузатган одам барча кўшиқларингизда миллий рух уфуриб турганини сезади.

— Эътирофингиз учун раҳмат. Аввало, шунга айтишни керакки, ёшлигимдан ижодий муҳитда улғайдим. Машҳур санъаткорлар Маъмуржон Узоқов, Орифхон Ҳотамов, Фаттоҳон Мамадалиев, Рустамқори Турсунов ижро этган ашулаларни, отам қўйган ижод намуналарини тинглаб, уларга ҳавас қилардим. Мактабда ўқийётган йилларимдан бошлаб турли ижодий тўғаракларга қатнашардим.

Ижод оламига қадам қўяётганимда мумтоз ашулаларимиз билан замонавий оҳанглари уйғунлаштирилган ҳолда қўйлашни мақсад қилиб қўйгандим. Ўзимда ҳам табиатан миллий менталитетимизга, азалий қадриятларимизга риоя қилишга мойиллик кучли. Айни чоғда, шеър танлашга жиддий ёндашман. Агар сатрларнинг ўзи оҳанг талаб қилиб турмаса, бундай шеърни қўйга солиш бефойда, деб ҳисоблайман. Оддий, бироқ қалбга яқин сўзлар, тўғулларнинг чиройли ифодаси ақл этган назмга мос оҳанг топишга, яъни шеърнинг мусиқа билан уйғун бўлишига аҳамият берарман. Кўшиқларини мухлисларга манзур қилиш учун хонанданинг ўзи уларни тушуниши, ҳис этиши керак. Шу сабаб, устозлар билан маслаҳатлашиб ишлашга, биринчи навбатда, отамнинг фикрларини билишга ҳаракат қиламан. Охириги пайтларда устозим Мусахон Нурматовнинг кўмаги ва тавсиялари ёрдамида ижод қиламан. Санъатда ўз йўналишимни топишда айнан шу ижодкор қимматли маслаҳатлари билан кўмаклашган.

— Сўхбатимиз ўз-ўзидан халқимизда азал-азалдан қадрланган келинадиган устоз-шоғирд аъёнасига бориб тақалмоқда. Айтинг-чи, шоғирд устоздан нималарни ўрганиши лозим? Баъзан бирор улғу санъаткорнинг шоғирди ижодига назар солганда, у устозини ҳар жиҳатдан такрорлаётганига гувоҳ бўламиз. Бунга қандай қарайсиз?

— Чиндан ҳам ҳар бир соҳада устозлар билимига таяниш, уларга эргашиб шоғирдларнинг кейинги фаолиятида муҳим аҳамиятга эга. Санъатда устоз-сиз ижод қилиш узоқни кўзламай иш

тутишдек гап. Ижодкорлар доимо элнинг назарида бўлади. Шундай экан, шоғирд устозидан маданиятни, инсоний фазилатларни ҳам ўрганиб, ўзига синдириб бориши лозим.

Яна бир ҳақиқат ҳам борки, санъатга қадам қўйган ҳар бир ижодкор фаолиятини устозларга тақдир қилишдан бошлайди. Бу табиий жараён. Баъзилар устозининг юриш-туриши ва саҳнадаги ҳаракатларини ўхшатишга, ҳатто овоз имкониятларини ҳам устозиникига мослаштиришга уринади. Бу ўз услубини топиш йўлида изланаётган бошловчи учун бир мuddатлик жараён, деб ўйлайман. Ўзим ҳам марҳум санъаткоримиз Мухриддин Холиқовга тақдир қилишни хуш кўрардим. Бироқ, ҳар бир ижодкор иш жараёнида ўзларини намойиш этишга ҳаракат қилиб бошлаши шарт. Қисқа қилиб айтганда, кўшиқчи ўз йўналиши, ижро услуби билан хурмат қозониши лозим. Шундангина янги йўналишда ижод қилувчи яхши хонанда пайдо бўлади.

— Сиз санъаткор маданияти деганда нимани тушунасиз? Умуман, хонанданинг эл назарига тушиши учун яхши овозингиз ўзи кифоя қиладими?

— Шубҳасиз, овоз хонанда учун энг муҳим жиҳатлардан бири. Бироқ мухлислар санъаткорни фақат хуш овози учунгина севмайди. Халқимиз маънавияти бой кишиларни улғайди. Айниқса, санъаткор учун маънавий жиҳатдан бой бўлиш, мухлислар билан муомала маданиятига риоя қилиш, саҳнада, омма ичига ўзини рисоладагидек тута билиш ниҳоятда муҳим. Баъзан мухлислардан "Фалончи санъаткор юлдузлик касалига учраган, фалон кунни кўчада кўришиб, дастхат олмакчи бўлганимда, ёмон муносабатда бўлди" деган фикрларни эшитамиз. Фикрларимиз самимий, машҳурлик шохсўласига эришганда ҳам яхши фазилатларини сақлаб қолган ижодкорларни севди. Дабдабага, манманликка берилиш эл назаридан қолдиради. Ўзимга келсак, мухлисларимдан доимо миннатдорман. Уларни кўрганимда қувонаман, фикрларини инобатга олишга уринаман. Яқинда ижодимда бироз ўзгартириш қилишга уриниб, озгина бошқача услубда кўшиқ яратишга ҳаракат қилдим. Тайёр бўлган,

бир неча ҳамсуҳбат мухлисимга тақдим этдим. Шунда улар "Бу кўшиқ сизга ярашмабди!", дейишди. Бу гапдан кейин уни бошқа қўйлашмакчи қарор қилдим. Яна бир мухлисим, янги клипимда ташки кўришини танқид қилди. Буни ҳам инобатга олдим. Чинакам мухлис санъаткор учун кўзгудир.

Лекин мухлисларнинг савияси турлича бўлиши мумкин. Ҳозир санъатга қадам қўяётган аксарият ёшлар "мухлислар талабидан келиб чиқиб ижод қиламан", деган фикрда юришибди. Бунинг натижасида кўшиқларнинг савияси тушиб кетяпти. Чет эл хонандалари қўйлаган кўшиқларга ўзбекча шеърларни қўйиб ёки асл матни таржима қилган ҳолда қўйланган кўшиқлар пайдо бўляпти. Баъзи ижрочилар буни "кўшиққа қайта жон бағишлаш" дея аташмоқда. Ваҳоланки, бу ижод намуналари кўчирмачиликдан бошқа нарса эмас. Шахсан ўзим кўшиқларимда замонавий аранжировка — сайқал-пардоз имкониятларидан фойдаланаман. Бироқ ҳар бир

кўшигимда миллийлик нафаси уфуриб туришига ҳаракат қиламан. Сабаби, фарзандларимизга хизмат қилишга бел болаган барча ижодкорларга хурмат билан қарайман. Кўшиқчиликда ёш, умидли хонандалар сони ортиб бораёти. Бу Юртбошимиз ва ҳукуратимиз томонидан санъатимиз ривожига қаратилган эътиборнинг натижаси. Мазкур ҳолат ўз навбатида мухлислар учун танлаш имконини бераётгани қувонарли. Зеро, рақобат тараққиёт сари одимлаш дегани ҳамдир. Бироқ тенгқурларимиз, ёш ижодкорлар орасида ўз йўналишини топишда қийинчиликларга учраётганлари ҳам йўқ эмас. Биз бу ўринда кимнидир танқид қилиш фикридан йироқмиш. Чунки ҳар бир ижодкор яхши асар яратишнинг мақсад қилиб иш бошлайди. Фақат

ана шу яхши асар учун билим ва савия зарурлигини ижодкор тушуниб этиши керак. Бу ўринда китоб ўқиш, устозлардан ибрат олиш, ўзи ҳақида билдириётган танқидий фикрларга қўлоқ тутиш яхши самара беради.

Урни келганда кўшиқ ва клипларда ўзаро номуносиб ҳолатлар учраётганини ҳам айтиш керак. Очиғи, бирор маъно-мазмун аниқлашмайдиган, миллий менталитетимизга зид тасвирларга бой клиплар экранга чиқиб кетаётгани ки-



шини ранжитади. Бундай клипларнинг аксариятида ижодкорлар фақат ўзларини намойиш этишга уринишаётгани яққол сезилади. Ўзимга келсак, клип суратга олишда, аввало, кўшиқнинг мазмунига эътибор бераман. Баъзи тароналарга клип олиш учун зарурат сезилса, баъзилари учун эса мусиқий чиқишнинг ўзи кифоя. Умуман, клип олаётган хонанда кўшиқ матни ва клипдаги воқеликнинг мутаносиб бўлишига эътибор бериши лозим. Аслида яхши кўшиқлар клипсиз ҳам тез оммалашади. Клип эса кўшиқнинг мазмунини янада боитсагина мақсадга мувофиқ бўлади.

— Клипларда рақосаларнинг иштроки қай даражада муҳим? Умуман, ҳамма кўшиққа рақс саҳналаштириш шартми?

— Рақс санъати бетакорор жозибаси билан мухлисларни ўзига жалб эта олгани учун бугун клипларда рақосалар иштирокига аҳамият бериляпти. Мен ҳам кўшиқларимда рақосаларга муносабат қиламан. Агар рақс маҳорат билан саҳналаштирилса, кўшиқнинг маъносини бойитишга хизмат қилади, деб ўйлайман. Бироқ ҳамма кўшиқларга ҳам рақс тушиб бўлмайди. Назаримда, рақс кўпроқ севги-муҳаббат мавзудаги кўшиқларга ярашади. Масалан, "Кўнгил учун" кўшигим ва унга ишланган клипни мухлислар яхши кутиб олишди. Ҳар нарсада меъёр бўлгани яхши.

— Режисларнинг хусусида гапириб берсангиз.

— Ижодкор учун асосий режа — илҳом. Шунинг учун олдиндан аниқ бир нарса дейиш қийин. Ҳозирча ўйлаганим, йил якунида мухлисларга яққан концерт дастурини ва янги албомимни тақдим этиш ниятидаман. Айни кунларда эса янги кўшиқлар устида қизгин иш олиб бораёмиш. Осмон мусаффо, халқи шоду хуррам юртва кўшиқлар ярашади.

Назокат УМАРОВА суҳбатлашди

Яшаётган кўшиқлар

Шоир ва драматург Ҳайдар Мухаммаднинг шеърлари билан айтадиланган, таниқли санъаткорлар Таваккал Қодиров, Алижон Эркаев, Фахриддин Умаров, Камолиддин Раҳимов, Икромжон Бўронов, Насиба Абдуллаева ва бошқалар томонидан қўйланган "Дилбармисан", "Нозик савол", "Афсонавий Самарқанд", "Хатларим етмасмикан" сингари ўзбекча кўшиқлар кўпчилик мухлислар эътиборини қозонган.

Ҳайдар МУҲАММАД

АФСОНАВИЙ САМАРҚАНД

Йиллар бағридан овоз берар сирли садолар, Тилга кирар танбуллар. Ранглар жонларан, ҳикмат айтар боболар: Шаҳрим осмонда товланар нурлар.

Самарқанд, Самарқанд Афсона — эртак шаҳрим. Самарқанд, сарбаланд Самарқанд, Меҳридан сайқал берди асрим.

Регистонда юз қўришан Навоий, Жомий, Бизга бутун замондош. Улугбек тонги — юлдузларнинг завку илҳом, Илмлар осмонда равшан бир кўём.

Олис-олисдан келган сайёҳ — меҳмонлар, Қайтар ширин халлда. Кўзида кетар нилый гўмбаз — осмонлар, Шаҳрим мангуликка қолур камолда.

ЁЗГАН ХАТИНГ ҚЎЛИМДА

Ёзган хатинг қўлимда, Ҳамма гапинг қўнгилда, Меҳринг сеҳри шунчаму, Номинг такрор тилимда.

Дардимни баён айлаб, Хат ёзурман бир варақ.

Соғинсанг ойга қара, Қайрилма ёйга қара, Юрагим тинсолдир, Безовта сойга қара.

Ширин-ширин саволинг, Орулару хаёлинг, Соғиндим, деб ёзибсан, Менинг бахту иқболим.

Ёзган хатинг қўлимда, Ҳамма гапинг қўнгилда, Меҳринг сеҳри шунчаму, Номинг такрор тилимда.

Сўз келур булоқ-булоқ, Сўзларимга сол қўлоқ,

ХАТЛАРИМ ЕТМАСМИКАН

Ул санам бермас жавоб, хатларим етмасмикан, Шунча оху нолишим қалбини чертмасмикан.

Ошиқнинг қўлигидан, эҳтимол, ул маҳлиқо, Дил эриб ёзган хатинг эътибор етмасмикан.

Хатларим ётганмикан тоқчасида саргайиб, Ёки кимса рашк ўтида ўртаниб йиртмасмикан.

Кулгали ё хатларимдан барчасини жам қилиб, Бир кун қошимга ул, ол, дебон элтмасмикан.

Бўлса бирор бир сабаб, хат ёзишдан чарчаман, Хат кутиб Ҳайдар Мухаммад бежавоб ўтмасмикан.

ТОҒЛИК ҚИЗ

Билармисан, билмасмисан, гўзаллигинг, тоғлик қиз, Билармисан, билмасмисан, қўнгилм сенга боғлиқ қиз.

Тиз чўкибди баян тоғлар қўтарай, деб кафтимда, Қўнгил каби шаршаралар сенга тилар соғлик қиз.

Ой юзинга чайилсам, деб сой оқди саргардон, Инжулардан боғ яратар, ўтсин, деб ардоғлик қиз.

Юз қаватли бинолардек юксакдадир қосонанг, Тошлар юртин боғ қилибсан — олма-ўрик боғлик қиз.

Қоялардек қад тутардим, қайрилсанг сен бир бора, Ё сой каби мен кетарман, боқмасанг, Сўқоғлик қиз.

Ҳайдар тошга уриб бошин, шопирилса шоввалек, Қалбинг бўлиб қолмасми андаккина доғлик қиз.

чегараланиб қолмай, графика ва рангтавсир йўналишида ҳам изчил изланишлар олиб бораётганини кўрсатди. Айниқса, унинг рангли қаламда чизилган бетакорор манзаралари томошабинларда қизиқиш уйғотди. Экспозицияда муаллифнинг "Алла", "Дўстлар", "Тўлин ой" каби асарлари қаторида "Кўнгил яқинлиги", "Тумор", "Достон ва афсоналар", "Икромлик", "Ижод дунёси" сингари асарлари илк бор намойиш этилмоқда. Картиналар мавзуси кенг ва рангбаранг бўлиб, улар озгина юмор ҳамда фалсафий ўйлар уйғунлигида ўзига хос ечим топади. Масалан, "Йўллар", "Тумор" каби асарларда одамлар тақдирга ишора бор. "Икромлик" картинасида буй қизларнинг нафис қиёфасини кўриш мумкин. "Алла" асарида бахтиёр она-бола қиёфаси таъсирчан ақс этган бўлса, "Дўстлар"да сочлари иккита қилиб ўрилган эркантанти қизча, қўлида мушукча, ёнида кучукчаси билан ёрқин ўйноқи бўёқларда тасвирланган. Рассомнинг ютуғи шундаки, унинг асарлари барча ёшдаги томошабинларни бирдек жалб этади.

Сарвара ҚОСИМОВА

КИТОБ — МЎҶИЗАГА ЧОРЛАЙДИ

Пойтахтимиздаги Республика кўзи оҳазлар кутубхонасида Халқаро болалар китоблари кунига бағишланган "Китоб — мўъжизага чорлайди" мавзудаги ижодий кеча бўлиб ўтди. Унда кутубхона аъзолари билан биргаликда Республика ихтисослашган санъат мактаби ўқувчилари, "Баркамол авлод" болалар ижодиёти марказининг истеъдодли ёшлари иштирок этиди. Тадбир давомида кутубхонанинг фаол аъзолари томонидан китобга бағишланган ҳикматли шеърлар ўқилиб, "Юлдаш" гуруҳи ижросида рақслар намойиш этилди. Шу кун кутубхонанинг ўқув залига китоб ярмаркаси ҳамда ёш мўъжиза соҳиблари яратган рангтавсир асарлари кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди.

Сабҳат ТУРДИАЛИЕВА

ШОҶРУҶИЯ ХАЗИНАЛАРИ

Темурийлар даврига оид ёдгорликлар, меъморий обида ва осори-атиқалар халқимизнинг бой тарихга эга маданияти, буюк аждодларимизнинг илмий-ижодий меросини ақс эттирувчи ўзига хос кўзгү ҳисобланади. Бугунги кунда хорижлик олимлар орасида ҳам катта қизиқиш уйғотаётган Шоҳруҳия шаҳрини ана шундай ноёб маданий хазиналаримиз қаторига киритиш мумкин. Темурийлар тарихи давлат музейида очилган "Шоҳруҳия — Темурийлар бунёдкорлиги ёдгорлиги" номи кўргазмада томошабинлар ушбу шаҳарда олиб берилган сўнгги археологик тадқиқотлар чоғида аниқланган юзга яқин экспонатлар билан танишиш имконига эга. Ундан маиший турмуш буюмлари, чироқдонлар, сирланган товоқлар ва уларнинг парчалари, шиша идишлар, нақшли хум ҳамда мис тангалар ўрин олган. Бундан ташқари, Архитектура ва курилиш илмий тадқиқот институти мутахассислари томонидан шаҳарнинг компютер технологиялари асосида қайта тикланган қисмининг фото сурати, мажмуанинг умумий меъморий ечимларини акс эттирувчи чизма тасвирлар ҳам намойишга қўйилган.


Шоҳруҳия тарихи ҳақида сўз юритар эканмиз, бу шаҳар Амир Темури фармонига биноан, унинг кенжа ўғли Шоҳруҳга атаб, Сирдарё бўйида бунёд этилганига эътибор қаратиш лозим. Унинг ҳимояси учун пахсадан улкан мудофаа девори тикланиб, атрофи чуқур ва кенг хандақлар билан ўралгани шундан дарак берадики, Шоҳруҳия — Темурийлар давлатининг шимол-шарқий чегарларида хавфсизликни таъминловчи муҳим ҳарбий истеҳком вазифасини ўтаган. Кейинчалик дарё транспорт йўлининг ривожланиши натижасида

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгашининг 2015 йил биринчи чорак якунларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 14 мартдаги топшириғи асосида тегишли вазирлик, идора ва ташкилотларнинг тақлифлари инобатга олиниб, Кенгашнинг янги таркиби тасдиқланди. Йиғилишда Кенгаш аъзоларидан ташқари "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ходимлари, санъат арбоблари, танқидчи хонандалар, журналистлар ва бошқа ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

2015 йилнинг биринчи чораги мобайнида амалга оширилган ишлар юзасидан Миллий эстрадани ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши раиси И. Мирзо ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазири ўринбосари, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси директори Б.Аҳмедовнинг маълумотлари тингланди. Сўзга чиққанлар соҳада амалга оширилган ишларни эътироф этган ҳолда йўл қўйилган айрим камчиликларга ҳам тўхталиб ўтидилар, келгусида эътибор ва масъулият билан ишлаш зарурлигини таъкидладилар. Кенгаш фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида масъул аъзоларнинг амалий ишлар борасидаги ҳисоботлари мунтазам равишда тингланиб бориши белгилаб олинди.

ЧОРАК ЯКУНЛАРИ

Кўп йиллардан буён мамлакатимиз ҳаётини, хусусан, театр олами ва ижодкорлар фаолиятини тарих зарварақларига муҳрлаб келаётган фидойи фотосуратчи Раҳмонбек Исломовнинг Тошкент Фото уйида очилган "Менинг Театрим" кўргазмаси Халқаро театр кунига бағишланди. Экспозициядан ўрин олган "Театр ва замон", "Театр саҳнаси ортида", "Актёрлар ҳолати", "Актёрларга аталган ёқимли иштаҳа" каби тўпламлардан ўрин олган саҳна санъати ва репетиция жараёнлари, режиссёр иши, саҳна орти ҳаёти ва ижро масалаларига бағишланган фотолар ҳам томошабинларда қизиқиш уйғотди. Р.Исломов ҳар бир спектаклнинг ажов нўқ-



Раёно ЗИЁЕВА, Темурийлар тарихи давлат музейи катта илмий ходими

тасини суратга туширади, суратларида ҳақиқий ҳаёт яшайди. "Театр" журнали ташкил этилгандан буён журнал саҳифаларида турли мавзудаги суратлари билан мунтазам қатнашиб келаётган тинч-тинчмас бу фотосуратчи мамлакатимиз ва чет элларда ўтайдиган кўргазмаларда мунтазам иштирокчиси. Ҳозирги кунда энг яхши асарлари юртимиз театрлари музейлари ва залларидан, шунингдек, атоқли санъаткорларга бағишланган турли китоблардан ўрин олган. Моҳир фотосуратчи Раҳмонбек Исломовнинг фарзандлари ҳам ота касбига меҳр қўйиб, маданий ҳаётимизда юз бераётган ўзга-

ришларни, муҳим тарихий воқеаларни суратларга муҳрлаш ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. *** Таниқли рассом Радик Азизовнинг карикатура жанридаги ижод намуналари нафақат мамлакатимизда, балки хорижий давлатларда ҳам шухрат қозонган. Рассомнинг самарали ижод муносиб баҳолини, "Дунёнинг энг яхши 100 нафар карикатуричиси" рўйхатига киритилган. Асарлари, шунингдек, халқаро "Катта карикатура энциклопедияси"дан ўрин олган. Қуни-кеча халқаро Маданият карвонсаройида Р.Азизовнинг баҳор байрамларига бағишланган кўргазмаси очилди. Кўргазмада рассом карикатура билан

САҲНА ОЛАМИГА САЁҲАТ

Кўп йиллардан буён мамлакатимиз ҳаётини, хусусан, театр олами ва ижодкорлар фаолиятини тарих зарварақларига муҳрлаб келаётган фидойи фотосуратчи Раҳмонбек Исломовнинг Тошкент Фото уйида очилган "Менинг Театрим" кўргазмаси Халқаро театр кунига бағишланди. Экспозициядан ўрин олган "Театр ва замон", "Театр саҳнаси ортида", "Актёрлар ҳолати", "Актёрларга аталган ёқимли иштаҳа" каби тўпламлардан ўрин олган саҳна санъати ва репетиция жараёнлари, режиссёр иши, саҳна орти ҳаёти ва ижро масалаларига бағишланган фотолар ҳам томошабинларда қизиқиш уйғотди. Р.Исломов ҳар бир спектаклнинг ажов нўқ-

НИГОҶ

тасини суратга туширади, суратларида ҳақиқий ҳаёт яшайди. "Театр" журнали ташкил этилгандан буён журнал саҳифаларида турли мавзудаги суратлари билан мунтазам қатнашиб келаётган тинч-тинчмас бу фотосуратчи мамлакатимиз ва чет элларда ўтайдиган кўргазмаларда мунтазам иштирокчиси. Ҳозирги кунда энг яхши асарлари юртимиз театрлари музейлари ва залларидан, шунингдек, атоқли санъаткорларга бағишланган турли китоблардан ўрин олган. Моҳир фотосуратчи Раҳмонбек Исломовнинг фарзандлари ҳам ота касбига меҳр қўйиб, маданий ҳаётимизда юз бераётган ўзга-

УЧРАШУВ

Кўп йиллардан буён мамлакатимиз ҳаётини, хусусан, театр олами ва ижодкорлар фаолиятини тарих зарварақларига муҳрлаб келаётган фидойи фотосуратчи Раҳмонбек Исломовнинг Тошкент Фото уйида очилган "Менинг Театрим" кўргазмаси Халқаро театр кунига бағишланди. Экспозициядан ўрин олган "Театр ва замон", "Театр саҳнаси ортида", "Актёрлар ҳолати", "Актёрларга аталган ёқимли иштаҳа" каби тўпламлардан ўрин олган саҳна санъати ва репетиция жараёнлари, режиссёр иши, саҳна орти ҳаёти ва ижро масалаларига бағишланган фотолар ҳам томошабинларда қизиқиш уйғотди. Р.Исломов ҳар бир спектаклнинг ажов нўқ-

НАЗОКАТ УМАРОВА СУҲБАТЛАШДИ

Кўп йиллардан буён мамлакатимиз ҳаётини, хусусан, театр олами ва ижодкорлар фаолиятини тарих зарварақларига муҳрлаб келаётган фидойи фотосуратчи Раҳмонбек Исломовнинг Тошкент Фото уйида очилган "Менинг Театрим" кўргазмаси Халқаро театр кунига бағишланди. Экспозициядан ўрин олган "Театр ва замон", "Театр саҳнаси ортида", "Актёрлар ҳолати", "Актёрларга аталган ёқимли иштаҳа" каби тўпламлардан ўрин олган саҳна санъати ва репетиция жараёнлари, режиссёр иши, саҳна орти ҳаёти ва ижро масалаларига бағишланган фотолар ҳам томошабинларда қизиқиш уйғотди. Р.Исломов ҳар бир спектаклнинг ажов нўқ-

Бошланиши биринчи саҳифада.

ДАРАХТЛАРГА Яратганнинг ўзи ҳикмат бериб қўйибди.

Бу ерда гужум, қарамон, туронғил каби дарахтлар бор. Қарамон — пишиқ дарахт. Урганч туманида Қарамон деган қишлоқ ҳам бор. Қадимда подшоҳлар 40-50 йил давомида боғдай парвариш қилган бу дарахтлар Хиванинг қўна биноларига устун бўлган.

Туронғилни юмшоқ ёғоч деб менсимай юрардик, бу ҳам яхши экан. Ёнғоқ кўп ёрилмайди, қаттиқ ва боқий дарахт. Харорати одам тафтига яқин. Ранги ҳам инсоннинг танасига ўхшайди.

Бир куни келаётсам, йўл четига ўтин уюмига кўзим тушди, орасида гўё гўзал бир киз ётибди, кўраклари кўтарилиб. Дарров эшигига ўтин тўқилган уйга кирдим.

— Не керак сизга бу ўтин, ёриб тандирга ёқаман, — дейди уй эгаси.

— Ёқиб унун ўзим сизга саксовул олиб келиб бераман, — дедим.

Машина тутиб, кўпроқ ўтин келтириб бериб, ўша киз образи яширинган ёғочни олиб кетдим.

Ёғоч жон кира бошлади. Кўз-қошларини, қоматларини ишлади. "Яланғоч киз" асарим яралди. Музейда турибди. Кўрганлар хайратга тушади. Агар ўша ўтин орасида уни кўриб қолмаганимда...

Ўйлайман, Худо ҳар дарахтни бир нарсага ўхшатиб яратган. Дурдугор усталар устун, тўсун асарлари ёғочни чамалаб билдилар. Рассом эса зийрак нигоҳлари билан тимсоларни ажратиб олиши лозим.

СЎЛИМ ОҚШОМЛАРДАН БИРИДА кино кўргани бордим. Нукусдаги Санъат музейида таъмири уста бўлиб иш бошлаган пайтларим. Томошадан чиқишда жуда чиройли киз ёнимдан ўтди. Қанчалар гўзал! Ўзини эътибор бермагандай кўрсатса ҳам, атайин меннинг олдимдан ўтгани аниқ.

У хаёлимда тасаввур қилиб, суратларини чизиб юрган кизнинг худди ўзи! Ёнига боришга юрагим бетламади, безори деб ўйлаши мумкин. Қараб қолавердим.

Оромим йўқолди. Ўзимни чалғитиш учун Тошкентга йўл олдим. Аммо ўша кизнинг қиёфаси кўз олдимдан кетмади. Шунда унинг хайкалини тиклашга қарор қилдим. Эски шаҳардаги ўтин бозорига тушдим. Урик дарахтини мўлжаллаб, нархини сўрасам, қиммат айтди. Бу ёғочдан тароқ ишланса, икки юз тароқ чиқади, фалон пул бўлади, дейди. Кейин, майли энди деб, айтганини бердим.

Урик дарахти... Кип-қизил бўлади. Дуторнинг дастасини кўриб, ундан одам яратса бўлармикан, деб юрардим. Қўёшда тобланган одамларнинг ранги шундай кўринади. Қалбимдаги кизнинг сиймосини ўриқдан ишладим. Кўнглим озорқ таскин топди. Хайкални тошкентлик дўстим Тўхтабекиннинг уйида қолдириб, Нукусга қайтдим.

Ахволимни кўриб, устозим: — Энди, ўттиздан ошиб кетдинг, уйлансанг бўларди, — деди.

— Мен бир кизни учратдим йўқотдим, энди уни излаб юрибман, шунини топмасак бўлмайди, — дедим.

— Қаерда кўрдинг? Қайдан, қандай топамиз? Кел, яхшиси, Кегилида қариндошимнинг қизи бор, ўқини битириб, ҳамшира бўлиб ишлапти, феъл-атвори сенга монанд. Бир олмангир ёртисидайсиз, бориб кўрайлик, — деди.

Бордик, онаси чиқди. Уйга кирдик. Дастурхон ёйди. Одатимизга кўра, киз чой қўйиб узатди. Қарасам ўша, мен излаган кизнинг ўзи! Бошқа эмас. Менинг орауим-ку, дедим. Ҳамшира киз оқшом навбатчи экан, юзмаюз келдик:

— Мен сизни кинотеатрда кўриб, ёқтириб қолгандим. Суратингизни ёғочдан ишлаб қўйибман, Тошкентда, — дедим.

— Мен ҳам сизни кўрган эдим, бироқ сиз эътибор қилмадингиз. Бир қаторда ўтирдик, чиқишда атайин ёнингиздан ўтгандим...

Иккимизнинг ўйларимиз, сўйларимиз бир, аммо журъат йўқ.

Эски вақтда тўй қилиш қийин: қалин пули, сарпо, қуда-анда, дегандай. Тўйга тайёргарлик чўзилиб кетди. Бизда тўйга етгулик ақча йўқ. Бир оқшом учрашганимизда:

— Битмайдиганга ўхшайди. Совчилар кўпайди, кетайлик, — деди Наима.

Шу куни Тошкентга йўл олдим. Унга бир вақтлар ишлаб, Тўхтабекинни қолдирганим — ўзининг хайкалини кўрсатдим. Шунда Наима хайратда деди:

— Кўрмасдан ишладингизми?!

ҚАДИМГИ АФСОНАЛАР жуда қизик-да. Қанчалар ҳақиқат мўжассам!

Ўтган асрнинг 66-йили Тошкентда анжуман бўлганди, Тарих музейида кўргазма очилди. Ҳозирги Амир Темур хиёбонида, Фото уйи жойлашган ерда. "Амударё" асарим илк

дик. Кўзалар, хайкаллар, сопол буюмлар... Тупроққалъадан Зардуштийлик даврига оид кўп ашёлар топилганди....

1966-йилнинг апрелида музейнинг очилов маросими бўлди.

Кўргазмада гулларга кўмилди. Олимпиев деган биологнинг гулларидан фойдалангандик. У Нукусда кўчат етиштирарди. Кўргазмада ўзи ўстирган турли гулларни кўриб, атрофдагилар хайратланганида, фахрланиб, хурсандчиликдан йиллаган эди. Музейга тақдим этилган гуллар...

Бу музей авангард йўналишида яратилган тасвирий санъат асарлари жамланган Марказий Осиёдаги ягона санъат кошонасидир.

МУЗЕЙНИНГ ОЛТИН ФОНДИ — тасвирий санъатда XX асрнинг 20-40 йилларида ривожланган авангард оқими намояндаларининг ишларидир. Бу коллекция Санкт-Петербургдаги Рус музейидан кейин дунёда иккинчи ўринда туради. Илк бор кўргазма ташкил этилганда музейнинг донги дунёга кетди: "Саҳродаги мўъжиза" дейишди уни.

Европада машҳур Роберт Фальк, Климент Редько, Любовь Попова, хайкалтарошлар



Гул кўп, чаман кўп
ЖАҲОН АДАБИЁТИ
ЯНГИЛИКЛАРИ

Мюрисл Барберининг
янги романи

Қарий икки миллион нуска сотилиб, француз адабиёти бестселлерига айланган "Башанг типратикан" романи муаллифи Мюрисл Барберининг навбатдаги асарини адиба мухлислари сабрсизлик билан кутмоқда. Машҳурликда бир пайтлар "Марҳаматли аёл" асари муаллифи Жонатан Литтелга рақобатдош бўлган М.Барберининг янги романи "Парилар ҳаёти" деб номланган. Франциянинг "Gallimard" нашриёти чоп этаётган маъруза романи адибанинг тўққиз йил жимликдан кейинги асаридир. Романда Франция ҳамда Италияда ўсиб-улғаяётган 12 ёшли икки қизалоқ ҳақида сўз боради. Уларнинг дунёси қимматли ҳамда ақл билан мантқан изоҳлаб бўлмайдиган турфа воқеаларга жуда бой. М.Барберининг таъкидлашича, узок вақт ҳеч нарса ёзмай юрган адиб япун боғига қилган сайри қўлига қалам олишга ундаган. "У ерда эльфи(пари)лар яшайётганини кўрдим, — дейди адиба. — Бу шафқатлиқ одамларга хос бўлмаган қандайдир ғайритабиийлик бор эди. Сўнг менга боғлиқ бўлмаган ҳолда ўз-ўзидан оқ қоғоз устида қўлим ҳаракатга келиб, янги роман ёзилди".

Сурурбахш наср

Бир қанча бестселлерлар муаллифи, америкалик машҳур адиба Сара Жю асарлари жаҳоннинг йигирмадан ортиқ мамлакатларида чоп этилган. У кўп йиллардан бери «TheNewYorkTimes» рейтингини рўйхатида муттасил равишда энг юқори поғонани эгаллаб келмоқда. Адиба ғайритабиий инсоний тақдирлар, оила сирлари ва албатта, муҳаббат мавзусини кўпроқ қаламга олади. Унинг кўп қиррали психологик таҳлилга бой тасвири китобхонни сеҳрлаб олади. "Мартда гуллаган бинафшалар" адибанинг илк романи, "Маймуъжон қиш" ва "Бунғало" романлари эса миллий бестселлерлар сифатида эътироф этилган. "Сунгги камелия" 2012 йилнинг энг кўп қилинган асари мақомига эга бўлган.

Сунгги асари ўтган йил ёзида китобхонлар қўлига етиб борган адиба ҳозир еттинчи романи устида ишламоқда. Қўлаб жаҳон тилларида чоп этилаётган "Маймуъжон қиш" романи ўткир сюжетли романтик наср услубида ёзилган. Ёлғиз она Вера Ўзининг шаҳарни қор бошган тунда йўқолиб қолган ўғилчасини излаш билан боғлиқ сая-ҳаракатлари, оналик муҳаббати ва изтироблари таъсири ифода этилган.

Ахматова манзиллари

Дунё шаҳарларида буюк сўз усталари уй-музейига айланиб, уларнинг ҳаёти ва асарлари яратилиш тарихига доир хотираларни сақловчи бинолар у қадар кўп эмас. Бироқ махсус уй-музейга айланмаган бўлса-да, танили иҳодкорлар ҳаёти ва асарлари доир мангу лавзалар муҳрланиб қолган адабий манзиллар ҳар бир шаҳарда топилади. Москванинг Катта Ординка кўчасида 17-уй шундай манзиллардан бири. Машҳур шоира Анна Ахматова қарий 30 йил шу уйда Ардовлар оила-си қўшни яшаган, машҳур "Қахрамонсиз поэма"сини ёзган. Иккинчи жаҳон уруши даврида бир неча мuddат Тошкентда ҳам яшаган шоира ўзбек халқиға меҳр-муҳаббати ифодаси бўлиши шеврий сатрлар битган.

Африка қатъасида

XX аср немис классик адабиёти намояндаси Эрнст Юнгер (1895-1998) асарлари жаҳонда катта қизиқиш билан ўқилмоқда. Фалсафа бўйича доктор оиласида та-валлуд топган Эрнстер мураккаб ҳаёт йўлларини бо-сиб ўтган. Биринчи жаҳон урушида қатнашиб, кўп бор ярадор бўлган. Африканинг Климанжаро тоғларига саё-хатларда қатнашган. Унинг "Ойна арилар", "Атлантикага саёхат" каби роман ва қиссалари, "Кавказ қайдилари" қундалиги ва бошқа асарлари кўп-кўп тилларга таржи-ма қилинган. Адиб Гёте муқофоти билан тақдирланган. "Африка ўйинлари" романида адиб ёшлик йиллари кеч-ган воқеаларни қаламга олган. Қалби оруз-ҳавасга лим-мо-лим ўсмир ўқиган китоблари таъсирида ҳақиқий ҳаёт-ни излаб, туғилиб-ўсган манзилидан яширинча олис-ларга йўл олади. Франциянинг Марсель шаҳрига бориб қолган йилгича хориз легионига қўшиб олинади. Бу ола-тасир оломонга ёлланма аскар сифатида қўшилганлар йилгича интилган Африкага қараб сузишади. Асар воқеа-лари шу қитъада кечади...

АМУДАРЁ СОҲИЛЛАРИДА



бор намойиш этилган. Унинг атро-фида одамлар йиғилиб, хайрат билан томоша қилишарди (ёнида сев-гилмини кўрмасдан ишлаган аса-рим ҳам турибди). Санъатшунос Рафаэл Тоқтош, "бу ҳақда ўзим ёза-ман, фақат ўзим, бу меники" деб, бошқа мутахассисларни яқинлаш-тирмай ҳазиллашарди. Кейин "Хайкалтарош Кутимуродов", деган асарини ёзди.

"Сирин" асарининг мазмуни ҳам қадимги афсоналардан олин-ган. Қанотли аёллар ёки одам бош-ли кушлар, деса бўлади. Одиссей денгизчиларнинг қулоқларига мум қуяди, сиринларнинг қўшиқларини эшитмасин деб. Кўзаларини бойлай-ди, кўрмасин деб. Бўлмаса, сирин-ларни кўрганда... бу гўзаллик олдида одам ақл-хушидан мосуво бўлиб, қолиб кетар экан-да, Сирин қуши ўзининг қизини кўтариб турибди бу ерда.

ИГОРЬ ВИТАЛЬЕВИЧ САВИЦКИЙ билан 1965 йилдан кейин Ўзбекистонда ишлаб бошладик. Унинг олдида илк бор суҳбатга борганимда шундай савол-жавоб бўлгани ёдимда:

— Мен рассомлик билим юртини тамом-ладим. Институтта кирган эдим, ёқмади, таш-лаб келдим.

— Институтдан кетганинг яхши бўлибди. Улар сени издан чиқаришлари аниқ эди.

Ҳозир таълим дастур-лари бузилган, билимли устоз ҳам йўқ, — деди...

И.Савицкий ҳали биноси йўқ санъат музейининг директори бўлса ҳам тимим-сиз ишлар, музей очилишига тайёргар-лик борар, ҳам дунё-ни кезиб, ҳам қадимий қалъаларни ўрганиб, юзлаб экспонат йиғар-ди. Кўргазмалар ўтказ-ганда унга кўмакла-шардим.

Кейин, менга ёрдамчи бўл, деб таклиф қилди. Бир йилдан кейин Тарих-ўлкашунос-лик музейининг еттига хонасини бизга ажратиб беришди. Шу Санъат музейининг биринчи биноси бўлиб, жамоамиз жами тўрт кишига етганди. Музей очилишига бағишлан-ган кўргазмани тайёрлаш учун бир йил иш-ладик. Сув қувурларини хоналарнинг шифтига ўрнатиб, унга экспонатларни ип билан осдик. Қулло-ликдан ҳеч нарса йўқ, йигирма донга сополни гипс билан ишлаб, ўрнат-

Вера Мухина ва Сара Лебедева, буюк рассом Александр Волков-нинг дурдона асарлари, Уста Мўмин (Александр Николаев), импрессионистлар Повел Бенков ва Елена Каравай асарлари, Урол Тансиқбоевнинг илк ижодий иш-лари ва дунёга машҳур не-не рас-сомларнинг асарлари жамланган бу ҳазинада.

Музей муҳитида янги-янги рассомлар пайдо бўлди. Қорақал-поқ ёғоч ўймакорлиги ривожлан-ди. Ишларимиз хоризда ҳам юқори баҳоланди. 66-70 йиллар-да ёғочдан ишлайдиган қорақал-поқ хайкалтарошлари кўпайиб, бир катта тўлқин пайдо бўлди, деб айтиш мумкин. Бизнинг санъат йигирма йилга илгарилар кетди. Замонавий қорақалпоқ рассомлари Изентаев, Серикеев, Матвеевларнинг асарлари ҳам музейдан жой олди. Биз табиий материал-дан, асосан ёғочдан фойдаланганимиз.

ОНА ЗАМИНИМИЗ очилиб ётган китобдай, уни ўқий олиш керак. Амударё соҳилларида Қизил қалъа, Ахшахон қалъа каби кўп-кўп қадимий ёдгорликлар кўп ости-да ётган. Буюқ тарихимиз бор, ҳали қанча ўрганилмаган қалъалар кутяпти биз-ни. Мени бу қўна гўшалар чорлайверади. Улар билан фахрланаман. Шу ерларда ўти-риб, қадим ўтган даврлар ҳақида хаёл сураман. Қўн барханларининг устида ётардик, кеча-кун-дуз тимимсиз ишлардик. Афсо-наларга йўғрилган лаҳзалар эди. Шоир айтганидай:

Кимлигини билардим озроқ,
Билар эдим суюқлигини.
Амударёни кўрганда бироқ
Билиб қолдим буюқлигини.
Кўйқирилган қалъада қадим
замонда тошдан ясалган
қизнинг бош қисмини топиб
олдим. Бу Анахита, сув худосининг
хайкали эди. Сув худоси она экан-да!
Биз ичаётган сув

— Анахитанинг сутидир. Муқаддас неъмат. Қадимги Зардушт афсонасига кўра, Анахита бизга кўкрагидан сут беради. Сувни покиза сақлаш, азиз билиш керак, ахир бу сут-да!

Анахита хайкалига қарасам, мен тасвири-ни ишлаган қизнинг худди ўзи: кўзалари, лаб-лари. Шунда И.Савицкийга: — Бу мен яратган асарга жуда ҳам ўхшар экан, — дедим.

— Сен бу ерда минг йил олдин ҳам яшагансан ва шу хайкални яратиб, авлод-ларга қолдиргансан, энди ўз асарингни топиб олиб, хайратда қолиб турибсан-да, — деди Игор Витальевич Савицкий.

Мен унга ишондим. Ҳозир ҳам ишонаман.



Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузу-ридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жа-миятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат-фонди грант лойиҳаси асосида тайёрланди.



ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти бўш (вакант) ўринларга танлов эълон қилади.

"Қўғирчоқ театр санъати" кафедрасига катта ўқитувчи (1), "Муеиқали, драматик театр ва кино санъати" кафедрасига катта ўқитувчи (1) ва ўқитувчи (2), "Халқ ижодиёти ва анъанавий қўшиқчилик" кафедрасига ўқитувчи (1)

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ:

- ректор номига ариза;
 - ишловчининг шахсий варақаси;
 - маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари;
 - паспорт нусхаси;
 - илмий ишлар рўйхати (илмий котиб томонидан тасдиқланган ҳолда);
 - малака оширилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
 - меҳнат дафтарчасининг нусхаси.
- Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой мuddатда қабул қилинади.

Манзил: 100164, Тошкент шаҳар, Яланғоч даҳаси, 127-а уй. Телефонлар: 230-28-02, 230-28-11

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ



ҲОМИЙ:
"МАТБУОТ ТАРКАТУВЧИ"
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ

O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз:
Котибият — 233-49-93 info@uzas.uz, uzas@mcs.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Иجتимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
муҳаррир
Сирожиддин
САЙИД



Тахририятга келган кўлемлар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Гулҳебра УМАРОВА
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмақонаси.
Босмақона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 19.28

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам
билан рўйхатга олинган. Адаби — 6026 Буюртма Г — 457. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.
Навр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ.



СОТУВДА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2381-614X

